201__
A
Alisher Navoiy nomidagi

Жасорат ва матонат шаҳодатномаси 3

Ўзбекистон — иқтидорли ёшлар мамлакати 4

Ота-оналик масъулияти 5

ТУҲМАТ ВА ХУСУМАТ 6

O‘zbekiston ovozi

№38-39
2019-yil, 14-may
Seshanba (32.529)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Инвестиция муҳити тобора яхшиланиб, ишбилармон доиралар юртимиздаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда. Халқаро молия институтлари, ривожланган давлатлар ва йирик компаниялар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга сармоя киритмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар раҳбарлари билан олий даражада мулоқотлар бўлиб ўтди. Улар доирасида саноат, энергетика, инфратузилма, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда муҳим келишувларга эришилди. Ҳар бир хорижий шерик билан қўшма лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Президент қарорлари асосида «йўл хариталари» тасдиқланди.

Жорий йил 8 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўртта рўйхатга ажратилиб, биринчи рўйхатдаги энг муҳим стратегик лойиҳалар Президентнинг доимий назоратида бўлиши белгиланган эди.

Йиғилишда ана шундай устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинди.

– Инвестициялар иқтисодиёт ривожи, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлайдиган асосий манбалардан биридир, – деди давлатимиз раҳбари. – Ривожланган давлатлар билан муносабатларимиз янги босқичга кўтарилганидан келиб чиқиб, янада фаол ва тизимли ишлашимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига шу соҳа учун масъул вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди. Ҳар бир мамлакат билан ишлаш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил қилинди. Бундан ташқари, мутасадди раҳбарлар бошчилигида махсус ишчи гуруҳлар тузилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда сустлиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, иш ўринлари яратиб, халққа фойда келтирадиган, иқтисодий самарадор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Тараққий этган мамлакатларда инвестициялар жалб этиш бўйича тажриба Бирлашган Араб Амирликлари мисолида кўриб чиқилди. Энг замонавий ёндашув ва иш юритиш услубларини соҳа ва тармоқларимиз фаолиятига жалб этиш, ушбу мамлакатдан мутахассислар таклиф этган ҳолда ёки онлайн тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ва тажриба ўрганишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этишга қаратилган ишлар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Бу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлиги қайд этилиб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари инвестиция соҳасига доир қонунчилик халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши, улар ҳар бир инвесторга ишонч ва кафолат бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

ХОТИН ҚИЗЛАРНИНГ ИХТИРО ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИ
тараққиётга хизмат қилади

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимизда «INNOWOMENWEEK» инновация ҳафталиги бошланди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад мамлакатимиз хотин-қизлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион ғоялар, лойиҳа ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорлик ва ихтирочилик йўналишига кенг жалб этиш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар фаолиятига янгича ёндашувни жорий қилишдир.

Ҳафталик доирасида Тошкент давлат аграр университетида хотин-қизлар томонидан аграр соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича олинган натижалар таҳлил қилинади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш, уларни экспортга йўналтириш ҳамда соҳага инвестициялар жалб қилиш масалалари муҳокама қилинади, Инҳа университетида эса муҳандис ҳамда дастурчи хотин-қизлар салмоғи ва илмий-техник салоҳиятини ошириш, уларни саноат ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларига кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида хотин-қизларнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида эришаётган ютуқлари таҳлил этилади, уларнинг соҳадаги янгиликлар, инновацион техника ва технологиялардан хабардорлигини ошириш бўйича маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги ютуқлар, ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар ва техника-технологиялар кўргазмаси ҳам ташкил қилинади. Форум доирасида фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган компанияларнинг янги маҳсулотлари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг тақдимотлари ҳам ўтказилади.

Ҳафталик натижаларига кўра, иқтидорли хотин-қизлар хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари, инновация марказлари ва саноат корхоналарига малака оширишга юборилади. Уларнинг халқаро анжуманлар, семинарлар, ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этиши бўйича мақсадли ишлар амалга оширилади. Инновацион маҳсулотлар, техника, технологияларни амалиётга жорий қилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари очиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилади. Шу билан бирга, йил давомида малака ошириш курслари, касб-ҳунарга йўналтирилган курслар ва маҳорат дарслари ташкил этиб борилади.

Ўз мухбиримиз.

● **9 МАЙ — ҒАЛАБА КУНИ эл-юртимизнинг асл фарзандлари беш йил давомида мардона жанг қилиб, ёвуз душманни тор-мор этган, мислсиз талафотлар эвазига эришган шон-шараф айёмидир.**

● Инсоният тарихидаги энг даҳшатли бу урушда бир ярим миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқароси қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган, 133 минг нафарга яқини бедарак йўқолган. 60 мингдан ортиқ ватандошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтган.

● Ўзбекистонлик 120 мингдан зиёд аскар ва офицер жанг майдонларидаги жасорати учун жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафари учала даражадаги «Слава» орденига сазовор бўлган.

● Юртимиздан жанг майдонларига 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғлар, ҳарбий-санитария поездлари, юзлаб дала ошхоналари, палаткалар, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилган.

● Ўзбекистон аҳли уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болаларни «Сен етим эмассан!» деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди...

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 14 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари	8458,16
1 ЕВРО	9501,05
1 Россия рубли	129,74
1 Англия фунт стерлинги	10994,76
1 Япония иенаси	76,93
1 Жанубий Корея вони	7,20
1 Қувайт динори	27837,55
1 Малайзия рингити	2034,68
1 Хитой юани	1239,89
1 Сингапур доллари	6207,37
1 Швейцария франки	8361,17
1 БАА дирҳами	2302,92
1 Миср фунти	494,34
1 Австралия доллари	5920,71
1 Туркия лираси	1415,43
1 СДР	11722,84
1 Канада доллари	6306,41
1 Украина гривнаси	323,26
1 Польша злотийси	2211,63

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Янгиланиш

«ТОШКЕНТ» автовокзали

Айни пайтда автовокзалда бир вақтнинг ўзида 2 минг 200 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Вокзал сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда замонавий VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналари, намозхона, меҳмонхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси, диспетчерлик хизмати, дўконлар, кафе-бар ташкил этилган. Имконияти чекланганларнинг вокзал ҳудудида эмин-эркин ҳаракат қилиши учун ҳам шароит яратилган. Иккитадан лифт ва эскалатор, махсус пандуслар шулар жумласидан.

Ҳозирги кунда «Тошкент» автовокзалидан Россиянинг Нижний Новгород, Қозон, Қозоғистоннинг Нур-Султон, Чимкент, Туркистон, Қизил Ўрда, Олмаота, Ушкунур, Тароз, Еттисой, Қирғизистоннинг Бишкек, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарларига автобуслар қатнамоқда. Улар хизматидан кунига минг нафаргача йўловчи фойдаланади.

Бундан ташқари, маҳаллий йўналишларда кунига 10 дан ортиқ қатнов амалга оширилаётир. Узоқ йўналишларга чипталарни олдиндан сотиш йўлга қўйилган.

«Қонга тўлган жанггоҳларни кўрмадим, аммо урушдан узоқдаги аҳолининг дардини кўрдим...»

Халқимиз қаҳрамонларни унутмайди

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ёдга олиш, эслаш, эзозлаш халқимизнинг юксак қадриятларидандир. Айниқса, Ватан ҳимояси, эл-юрт тинчлиги йўлида қурбон бўлганларни хотирлаш, уларнинг оила аъзолари, яқинларига ҳурмат кўрсатиш анъанага айланган. Яхши инсонлар, айниқса, тинчлик йўлида қурбон бўлган қаҳрамонлар хотирланар экан, демак, уларнинг ўзи ҳам барҳаётдир. Тинчликни асраш йўлида азиз жонини қурбон қилган мард ўғлонларнинг хотирасини ёд этиш, фронт ортида самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийларни эзозлаш муқаддас бурч саналади.

Истиқлол йилларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, иймони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Ўша йилларда олижаноб ва меҳр-мурувватли аждодларимиз уруш кетаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охирги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрган. Бу эса, чинакам жасорат ва одамийлик намунасидир.

Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинч-осуда ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга, ёшларни тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда урушнинг тирик афсонаси бўлган ва йил сайин сафи камайиб бораётган нуронийлар ғамхўрликлардан бениҳоят хурсанд бўлишмоқда.

Халқимиз ўз қаҳрамонларини асло унутмайди. Уларнинг порлоқ хотираси бизнинг қалбимизда абадий сақланади. Тирикларни қадрлаш, уларга меҳр ва эътибор кўрсатиш эса чин инсоний фазилатдир.

Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини қайта-қайта ўқиб бу ҳақиқатни янада чуқур англадик.

100 ёшида қайта оёққа турган момо

Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида байрам тадбири ўтказилди

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Эрталаб қўл телефонимга қисқа хабар келди. «...Бугун соат 10:00 да Қорақамиш мавзесида Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида тадбир бор». Негадир шу хабарни ўқиб, телевидение орқали намойиш этилган «Берлин-Оққўрғон» фильми хаёлимга келди. Аниқроғи, фильмда асирликка тушган бир қаҳрамоннинг сўзларини эсладим. «...Биз қочоқ эмасмиз. Қочоқларнинг ортидан отишади. Кўксимиздан от...». Мазкур фильмда фронт ортидаги қийинчиликлар, халқимизнинг оғир турмуш шароити, ота-боболаримиз кўрсатган жасорат акс этган.

Тўғриси, бундай ҳикояларни кинода кўриш бошқа, ўша қора кунларга гувоҳ бўлган инсонларнинг ўзидан эшитиш бошқа. Шунинг учун Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати томон йўл олдим.

Ҳар гал муассасада бўлганимда у ердаги отахон ва онахонларнинг мунис чеҳрасига боқишга уринаман. Суҳбат давомида эса уларнинг ҳар бир сўзида ҳикмат борлигини англайман. Бугун ҳам худди шундай бўлди. Дарвозадан киришимиз билан бағрини очган нуронийлар билан узоқ ҳол-аҳвол сўрашдик. Улар муассасадаги шароитлар, турли концерт дастурларига, театрларга боришаётганини мароқ билан гапириб беришди.

— Ҳар гал пансионатга келганимда руҳим енгиллашади, — дейди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Аброр Қурбонов.** — Шу яқин атрофдан ўтдимми, албатта, нуронийларнинг зиёратига ошиқаман, суҳбатини олишга ҳаракат қиламан. Очиғи, улардан ўрганадиган, ибрат оладиган жиҳатларимиз кўп. Ўрни келганда бир воқеани айтиб берсам. Яқин танишим ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бир куни синфидаги энг тўполончи ўқувчиларни пансионатга олиб келибди. Отахон ва онахонлар билан таништирибди. Улар болалалик хотираларини, яъни бир бўлак нон учун тонг саҳардан дўкон олдида навбатда туришганини сўзлаб берибди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари эса илм олиб, ўзи истаган соҳани танлашига имкони бўлмаганини, 10-12 ёшдан завод-фабрикаларда меҳнат қилганини айтишибди. Бир ҳафта ўтмасдан болаларнинг хулқида, ўқишида ижобий томонга ўзгариш бўлибди.

— Шундай бўлгани рост, — дейди **Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати директори Фарангиз Акрамова.** — Муассасамизда 150 нафардан ортиқ нуроний истиқомат қилади. Ҳозирги вақтда тўқиш, тикиш, дурадгорлик, шахмат, шашка тўгараклари фаолият юритмоқда. Кутубхонамиз ҳам уларнинг ихтиёрида. Йилда бир марта олимпия кўмитаси вакиллари келиб, махсус турнир ўтказади. Ғолибларга совғалар берилади.

Яқинда пансионат биносининг иккинчи қисми ҳам ишга тушди. Бу мустақил ҳаракатлана олмайдиган беморларга қарашда анча енгиллик бермоқда. Энди нуронийлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитинг.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархонов муассасада 100 ёшни қаршилаган онахон истиқомат қилаётганини айтиб қолди. У меҳнат фахрийси Валентина Чекова экан.

— 23 йилдан буён шу ердаман, — дейди у. — Турмуш ўртоғим ўн тўрт йил олдин вафот этди. Ёшлигимиз айни Иккинчи жаҳон уруши вақтига тўғри келди. Ҳамширалик дипломим бўлгани учун Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги кичик бир шифохонага ишга кирдим. Вазият ниҳоятда оғир эди. Буни ҳар қанча сўзлаб берсак ҳам ҳақиқий вазиятни тасаввур қилиш мушкул. У вақтда ҳеч ким соғлиги ҳақида ўйламас, жонидан ўтсагина шифокор ҳузурига келарди. Бу орада жанггоҳларда яраланиб, госпиталда даволаниб, урушга яроқсизлиги учун юртига қайтарилган аскарлар билан ҳам кўп суҳбатда бўлдим. Эҳ, уларнинг биргина кўз қараши уруш даҳшатини кўрсатиб берарди гўё. Ногирон бўлиб қолган аскарлар ўзини кераксиз инсондек ҳис этишарди. Ишонасизми, шифокорлар етишмаслиги сабаб, кичикроқ жарроҳлик амалиётларини мустақил ўтказишга мажбур бўлганман.

— Яқинда бир гуруҳ нуронийларни Жиззах вилоятига саёҳатга олиб бордик, — дейди **Фарангиз Акрамова.** — Онахон ишлаган шифохонада ҳам бўлдик. Валентина Чекованинг шогирдлари ҳамон шифохонада фаолият олиб боришар экан. Улар билан дийдорлашиб, онахон анча ёшарди.

Илк бор муассасага келганимда Валентина Чекова нотўғри йиқилиш оқибатида ўрнидан туролмасди. Аммо онахонда оёққа туришга ишонч бор эди. Бу йил момо юз ёшни қаршилади.

— Мен урушда бўлмадим, қонга тўлган жанггоҳларни кўрмадим, — дейди **меҳнат фахрийси Роза Ватулина.** — Аммо урушдан узоқдаги аҳолининг дардини, кўзидаги мунгни кўрдим. Асосан аёллар, болалар далада, завод-фабрикаларда меҳнат қиларди. Тўлғоқ азобини унутмасдан, чақалоғини дала бошига қурилган беланчакка боғлаб ишлаган фидоийларни кўрдим. Тилагим битта — юртимизда, ер юзида ҳеч қачон уруш бўлмасин.

Пенсионатдан қайтаётиб, юрагимизда алланечук ҳислар пайдо бўлди. Фарзандларингни атрофингга олиб бехавотир сайр қилиш ҳам аслида катта бахт эканини англаб етгандек бўлдик.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози»мухбири.

МУНОСАБАТ

Болаларнинг гапириш ҳуқуқи кафолатланади

Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мустаҳкам оила барпо этиш, ўғил-қизларни камолга етказиш учун интиладиган, болаларнинг бахтидан қувонадиган халқмиз.

Бинобарин, Конституциямизда бола ҳуқуқларига алоҳида урғу берилган. Унда ҳар бир боланинг жинсидан, ирқидан, миллатидан, тилидан, диний қарашлари ва эътиқодларидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги белгиланган. Давлат эса етим ҳамда ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш ишларини ўз зиммасига олган. Шунингдек, болалар ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли муҳим халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Масалан, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда болаларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда ота-оналар, маҳалла, таълим муассасалари, давлат органлари ва кенг жамоатчиликнинг вазифалари, умуман, бу борада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалаларга оид устувор вазифалар белгиланган.

Соҳага доир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниши, қонун ҳужжатларининг кучга кириши асосида мазкур ҳуқуқий тамойиллар янада такомиллашмоқда. Хусусан, Президентимизнинг апрель ойида эълон қилинган бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бола ҳуқуқларини кафолатлашга ҳизмат қилиши билан аҳамиятли.

Қарорда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишга оид миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланиши белгилаб берилгани мазкур ҳужжатнинг натижадорлигини оширади. Муҳим янги ташаббуслардан бири шундаки, Жиноят кодексини БМТнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир факультатив протоколга мувофиқлаштириш назарда тутилди. Шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши уларнинг ҳуқуқларини таъминлаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бугунги кунда амалдаги бир қатор қонунларга, жумладан, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунларга, Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали қонунчилик базаси янада мустаҳкамланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича шу кунгача алоҳида институт мавжуд эмасди. Эндиликда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиб, фақат болалар ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашувчи сектор тузилиши болаларнинг ҳуқуқлари ҳимояси кучайишига кенг имкониятлар яратади.

Қарорнинг энг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири — боланинг манфаатларига алоқадор масала ҳал этилаётганида, унинг фикри тингланишини таъминловчи механизм шакллантирилишидир. Оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган бола, ёшидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ўз фикрини ифода қилишга ҳақли экани қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши долзарб масала ҳисобланади.

Аҳоли билан учрашувларда халқимиз томонидан кўп кўтариладиган масалалардан бири — қизларнинг никоҳ ёшини 18 ёшга кўтариш эди. Ушбу қарор билан халқимиз хоҳиш-истаги амалга оширилди. Яъни, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун бир хил — 18 ёш этиб белгиланди. Бу эса қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда такомиллаштирилиши ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши болалар ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган тизимли саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Фарзандларимизнинг бахтли бўлишдек эзгу ниятларини амалга оширишга барчамиз масъулмиз ва бу жараёнда якдил бўлиб фаолият олиб бормоғимиз зарур.

Уруш қатнашчиларига эҳтиром кўрсатилди

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида River park soy bo'yi сайлгоҳи ташкил этилганидан хабарингиз бор. У ерда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги, Олмазор туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ходимлари ва бошқа ташкилот вакиллари иштирок этди.

Дастлаб генерал Собир Раҳимов ҳайкали пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг сайлгоҳда байрам концерт дастури, Миллий гвардия курсантларининг ҳарбий чиқишлари намойиш этилди. Тумандаги 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига эҳтиром кўрсатилди. Улар йиғилганларга уруш хотираларидан сўзлаб берди.

— Бугунги тадбирга болаларим билан келдим, — деди **Олмазор тумани «Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қилаётган Зебинисо Ибрагимова.** — Олдинлари канал атрофи ниҳоятда қаровсиз ҳолатда эди. Қисқа фурсатда шунчалик кўркам гўшага айланади, деб ўйламагандим. Канал атрофи панжара билан ўралгани ҳам айни муддао бўлибди. Энди фарзандларимиз билан бехавотир сайрга чиқа оламиз.

— Боғ 2 километрдан ортиқ масофани қамраб олган, — дейди **Олмазор туман ҳокими ўринбосари Тўлқин Тешаев.** — Кўриб турганингиздек, турли давлатлардаги тарихий ёдгорликларнинг кичрайтирилган макетлари барпо этилган. Сайлгоҳ сув бўйида ташкил қилингани ҳам айни муддао бўлди. Ёзнинг жазирама кунларида туманимиз аҳолиси бу ерга келиб, бемалол дам олиши учун қулай шароит яратилди.

Ўз мухбиримиз.





6 мингдан ортиқ маҳаллада сайлов ўтиб бўлди

Жорий йилнинг 1 майидан республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) сайлови бўлиб ўтмоқда.

Сайловни юқори савияда ташкил этиш учун аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратиш муҳим вазифа саналади, албатта. Шу боис, сайловлар янги бунёд этилган замонавий маҳалла гузарларида, таълим муассасаларида ўтказилмоқда. 20 мингдан ортиқ овоз бериш хонаси, 11 мингдан зиёд сайлов қутилари, 10 мингга яқин овоз кучайтиргич воситалари шай ҳолатга келтирилган.

Охирги маълумотларга кўра, 6151 та фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловларда 14996 нафар номзод ва 1382088 нафар фуқаролар вакиллари иштирок этган.

Сайланган маҳалла раис (оқсақол)ларининг 1076 нафари 45, 2239 нафари 45-55, 2518 нафари 55-65, 311 нафари 65-75, 7 нафари эса 75 ёшдан юқори кишилардир.

Сайловлар жорий йил 30 майгача давом этади.

Ўз мухбиримиз

Уруш даврида фронтларда ўзбек тилида 20 га яқин газета мунтазам чоп этилиб, ўзбек аскарларига узлуксиз етказилиб турилган.

Жасорат ва матонат шаҳодатномаси

ёки ўзбек халқининг буюк ғалабага қўшган бебаҳо ҳиссаси муҳрланган китоб

Ҳар гал мамлакатимизнинг Мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуасини зиёрат қилар эканман, Мотамсаро она ҳайкали пойида узоқ ўйга толаман. Она сиймоси пойидаги «Сен доимо қалбимдасан, жигарим!» деган сўзлар замирида қанчадан-қанча умидлар, интизорликлар, ўкинчлар, фарёдлар, сабру бардошлар сукут сақлаб тургандай бўлади. Урушдан қайтмаган ватандошларимиз номлари битилган зарварақларга кўз ташлайман. Аксарияти 18-22 ёшли йигитлар...

Инсоният тарихи – қанчадан-қанча донишманду оқиллардан мерос, башариятга бахтли саодатли яшаш йўлини кўрсатган улуғ ғоялар, тафаккур ёлқинлари жам улкан китобдир. Инсоният тарихи — буюк тараққиёт, бунёдкорлик ва яратувчанлик, фозиллик ва комиллик сари бошланган адоқсиз йўллардир. Инсоният тарихи — одамзод, башарият аҳлини эзгуликка, қалбан, руҳан покланиш, улғайишга чорлаган буюк таълимотлар мажмуасидир. Лекин шу билан бирга, инсоният — бу инсон қалби ва руҳи, бунёдкорлигининг, тафаккур дурдоналарининг йўқ қилиниши, вайрон этилиши, кули кўкка совурилишига сабаб бўлган аёвсиз уруш ва қирғинлар, бедодликлар, инсон фожеалари тарихи ҳамдир.

Дунё адабиётининг энг сара намуналаридан қайси бирига кўз ташламанг, уларда уруш ва жаҳолат оловида ёнаётган инсон тафаккури фарёдини, юрак ўртанишини туясиз. Уруш ва тинчлик, минг афсуски, ер юзидаги ҳаёт шу икки сўзда жам бўлган моҳият ичра ўтади. Халқимизда «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кунлик файз-барака кўтарилади», деган гап бор. Уруш, қирғинбаротлар бўлган жойдан-чи?

Инсоният тарихи бунёдкорлик ва вайронкорлик, яратувчанлик ва бузғунчилик, висол ва айрилиқ, бахтиёрлик ва жудолик, севинч ва оҳу фарёд ичра ўтиб келмоқда. Энг ажабланарлиси, буларнинг сабабчиси ҳам ҳазрати инсоннинг ўзидир. Баъзан ўйга чўмасан, наҳотки дунёда тинч-тотув яшаш шунчалар қийин? Нега инсоният шу бугунгача жоҳилликни бир четга отиб, тинчликка элтувчи улуғ йўлга чиқа олмаяпти? Ахир уруш инсоният бошига солган кулфатларни кўриб, билиб турибмизку. Наҳотки, тинчлик йўлига ўтиб олиш шунчалик оғир бўлса? Афсуски, дунёда бўлаётган қуролли тўқнашувлар, низолар, этник ва миллатлараро, диний можаролар моҳиятига назар солиб, бу йўл ҳали қанчалар узоқлигини ҳис қиласан, ҳис қиласан-у, гарчи якунига етганига 74 тўрт йил бўлган эрса-да, доғи, ҳижрон ва алами, оғриғи дилларни ҳали ҳануз зирқиратиб турган Иккинчи жаҳон уруши, унинг нафақат мамлакатлар, халқлар, инсонлар, авлодлар қалбида қолдирган оқибатлари, жароҳатлари ҳали ҳам тўхтовсиз оғриқ бераётганини юракдан ўтказасан. Шубҳасиз, бу уруш эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги уруш эди. Шунинг учун ҳам бу урушда қозонилган ғалаба инсониятнинг, эзгу ният ва мақсадларининг ёвузлик ва ноинсонийлик устидан қозонилган ғалабаси сифатида эътироф этилади.

Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони, Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори тинчлик учун курашган инсонларни хотирлаш ва қадрлашнинг яна бир ёрқин тимсоли бўлди.

Қайд этилганидек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минг-минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган иймони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш мамлакатимизда миллий анъанага айланди.

Тарих солномаларини варақлар эканмиз, Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қанчалар катта ва муҳим ҳисса қўшганлигини англаймиз. Маълумотларга қараганда, бу урушга юртимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар эркак, 500 га яқин хотин-қиз сафарбар этилган. Ўша пайтда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этгани, ёш болалар, қария ва аёлларни ҳисобга олиб, ўйлаб кўрсак, халқимизнинг 40 фоизидан кўпроғи қўлига қурол олиб, аёвсиз жангга отланган. Улардан 604 мингдан кўпроғи уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтган. 500 минг нафардан зиёд юртдошимиз мардларча ҳалок бўлган.

Фронт ортидаги оғир, машаққатли юмушлар эса кексалар, аёллар ва болалар зиммасига тушган. Улар оч-наҳор, уйқусиз меҳнат қилиб, бу урушда ғалабани таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган. Уруш даврида Ўзбекистон аҳолиси томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 миллион нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўмлик заём, 52,9 килограмм олтин ҳамда кумуш топширилган. Фронтга 7 миллион 518 минг 800 та гимнастёрка, 2 миллион 636 минг 700 та пахталик, 2 миллион 221 минг 200 та этик ва кўнжли ботинка юборилган. Енгил саноат корхоналари томонидан 246 миллион сўмдан зиёд турли маҳсулотлар, шунингдек, 1 миллион 282 минг тонна ғалла, 482 тонна картошка ҳамда сабзавот, 1000 тонна полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар жўнатилгани мардлик, матонат, саховат намунасидир.

Ҳар қандай урушда жанг тақдирини ҳал этишда қурол-аслаҳа катта роль ўйнайди. Фашизмнинг тор-мор қилинишида, айниқса, Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурол аслаҳалар катта аҳамият касб этгани алоҳида эътиборга молик. Далилларга кўра: **2100** самолёт, **17342** самолёт мотори, **17100** миномёт, **60000** ҳарбий кимёвий анжом, **1 миллион** дона граната, **3 миллион**дан ортиқ радиолампалар, **27000** танкка қарши отадиган қурол, **2** миллион **318** минг авиация бомбаси, **22 миллион** дона мина, **560000** дона снаряд, **5** бронепоезд, **2200** кўчма ошхона қўшинларга етказиб берилган.

Албатта, бу халқимиз матонати, фидойилиги ва жасоратининг қанчалар улуғворлигини кўрсатиб турибди. Лекин масаланинг яна бир томони ҳам борки, бу ҳақда тўхталмай бўлмайди. Ўзбекистон халқининг нафақат жанг майдонларида, фронт ортидаги ҳаракатларида ҳам уларга ўзининг ўткир ва таъсирчан сўзи билан ғайрат, шижоат, метин ва енгилмас ирода бағишлаган адибларимиз, қалам аҳлининг катта хизматларини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Уруш йилларида Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шароф Рашидов, Уйғун, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Султон Жўра, Илёс Муслим, Собир Абдулла, Чустий, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Назармат, Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Назир Сафаров, Зоҳиджон Обидов, Зинат Фатхулин, Ўткир Рашид каби қатор шоир ва ёзувчиларнинг нафақат Ўзбекистонда, фронтдаги кўчма газета таҳририятларида бир қўлда қуролу бир қўлда қалам билан душманга қарши кураш олиб бордилар. Ана шуларни эслаганда беихтиёр Уйғун домланинг «Баҳоримиз келур» номли шеъри хаёлимиздан ўтади:

Қуролинг қўлингдан тушмасин сира,
Душман яксон бўлсин урушларингдан.
Сендан келажакка қолсин хотира,
Ер ларзага келсин юришларингдан.

Сизнинг зарбангиздан ёв бўлур барбод,
Келур баҳоримиз – ғолиб фасллар.
Шонли авлодимиз яна бўлур шод,
Минг йиллаб унутмас сизни насллар!

Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсиддиновнинг уч жилдли, жами 1700 саҳифадан иборат «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобини варақлар эканман, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини кўрсатувчи, ҳали биз билмаган қанчадан-қанча маълумотлар, адибларимизнинг ўтлиғ шеър ва достонлари, қўшиқлари, чиқишлари борлигига амин бўлдим. Юқоридаги шеърлар ҳам илк бор ўзбек тилида фронт газеталарида эълон қилинган.

Албатта, матбуот пайдо бўлибдики, у ҳар бир даврнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маданий ҳаётини, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни кўзгу янглиғ ўзида ёрқин акс эттириб келади. Ана шу маънода матбуот Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида жон бериб, жон олаётган жангчиларнинг жанговар руҳини кўтаришда ўша даврнинг қудратли маънавий қуроли бўлиб хизмат қилганига шубҳа йўқдир. Китобда таъкидланишича, уруш даврида фронтларда ўзбек тилида 20 га яқин номда газета мунтазам чоп этилиб, ўзбек аскарларига узлуксиз етказилиб турилган. Бу газеталардаги мақолалар, очерклар, хат-хабарлар ўзбек ҳарбийларининг жасорати, жанговарлигини, руҳиятини кўтаришга жуда катта таъсир кўрсатган. Заҳматкаш олимнинг китобларини варақлар эканмиз, гарчи газеталарнинг ҳар бир сонида ўша давр руҳи, мафкураси бўртиб турган бўлса-да, уруш даври матбуотининг, шу жумладан, фронт газеталарида чоп этилган «Ўзбек халқи шарафига», «Ўзбек қизининг ботирлиги», «Алоқачи Халил Латипов», «Қаҳрамон Шарқ фарзандлари», «Ўткир кўзли йигитнинг ўқи», «Фронт жангчиларига совға ортилган эшолон жўнатилди», «Тўпчи Қурбон», «Биз енгилмас кучмиз», «Икки қаҳрамон», «Яхши разведка натижаси», «Марра маҳкам ушланди», «Фронтимиз баҳодирлари» каби минглаб хабар ва мақолалар, Ғафур Ғуломнинг «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Сен етим эмассан», Ҳамид Олимжонинг, «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари», «Қадаҳ», Зулфиянинг «Қўлимда қуролу устимда шинель», «Ҳижрон кунларида», Мақсуд Шайхзоданинг «Олма», Ўткир Рашиднинг «Ғалаба баҳори», Чустийнинг «Хуш келдинг, ўғлим», Адҳам Ҳамдамнинг «Олға, дўстим, ҳамон олға юр», Ёнгин Мирзонинг «Зафар карвони», Мирмуҳсиннинг «Зеби», Рустам Каримийнинг «Бораман» каби шеър ва достонларининг фашизм устидан эришилган тарихий ғалабага кўрсатган таъсирини дилдан идрок этамиз.

Газеталарнинг 1945 йил 20 май сонида академик шоир Ойбекнинг «Фашист Германиясининг ўлим соати» номли мақоласи берилади. «...**Тўрт йилдан бери қилган умидимиз амалга ошди. Инсоният тарихида энг улуғ бўлган тўла ғалаба тўғрисидаги хушхабар бутун оламга ёйилди. Ғолиб аскарларимиз томонидан кули кўкка совурилган Гитлер Германияси таслим бўлди. Бизлар – тарихий воқеанинг замондошлари, улуғ кунларни, маслагимиз, иродамизнинг, халқимизнинг тантанасини бошдан кечирмоқдамиз».**

Таниқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримов таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек тилида нашр этилган бу газеталар, афсуски, Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи олимлар эътиборини жалб этмай келди. Жонкуяр олим Рустам Шамсиддиновнинг ва у раҳбарлик қилаётган илмий жамоанинг турли шаҳарлардаги архив ва кутубхоналарда чанг босиб ётган фронт газеталарини ўрганиб, улардаги эътиборга молик материалларнинг аксар қисмини нашрга тайёрлаганликлари катта сабот билан оғир меҳнат қилинганини кўрсатиб турибди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек тилида чоп этилган бу газеталар фронт ва фронт ортидаги Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ёритишда ниҳоятда қимматли, ноёб манба ҳисобланади. Умуман, бу газеталарда эълон қилинган материаллар, хусусан, фронтларга йўлланган хатлар — жангчиларнинг ота-оналари, рафиқалари, фарзандлари, қавм-қариндошларига ёзган хатлари, ҳарбий қўмондонлик томонидан ўзбекистонлик мард жангчиларга топширилган мукофотлар, суратлар Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихини янада кенгроқ ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу материалларда ўзбекона қалб, бағрикенглик, матонат, қаҳрамонлик бўртиб туради. Китобда турли асосли манбаларга таянилган ҳолда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондан меҳнат армиясига сафарбар этилганлар, уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилади. Буни қарангки, 1941–43 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган экан. Тошкент вилояти ҳарбий комиссариатидан экстремал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистонга жўнатилади. Уралдаги мудофаа саноати ва фабрикаларида 32 минг 620 нафар, Пермдаги Молотов номли заводда 978 нафар, Киров номли заводда 200 нафар, 90-сонли заводда 800 нафар, 103-сонли заводда 50 нафар, 12-қурилиш трестида 70 нафар, Орск шаҳрида 7000 нафар ҳамюртимиз меҳнат қилган экан. Бунга ўхшаган мисоллар китобда жуда ҳам кўп. Албатта, бу катта бир эзгу ишнинг бошланишидир. Китоб муаллифи ўз олдига юксак мақсад қўяди. Нафақат Россия ҳарбий давлат архиви, Мудофаа вазирлиги архивида, Украина, Белорусь, Латвия, Литва, Эстония, Венгрия, Чехия, Германия архив ва музейларида ҳам қанчадан-қанча бу каби газеталар сақланган бўлиши, улар ҳам ўрганилиши зарурлигини таъкидлайди.

«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли бу китоблар инсоният бошига чексиз кулфатлар келтирган фашизм балосини ер юзидан супуриб ташлашдек буюк тарихий курашда ўзбек халқининг ҳам катта ҳиссаси борлигини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг кўпдан кўп мамлакатлари ҳудудидаги қабристонларда, оқ қайинлар остида, зангор тепаликлар бағрида ўзбек ўғлонлари мангу ором топган. Фронт газеталарида уларнинг жасоратлари, қаҳрамонликлари тасвирланган, муҳрланган. «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобининг қиммати, қадри ҳам ана шунда.

Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.

Таҳририятимизга Фарғона шаҳрида жойлашган вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бир гуруҳ ўқитувчилари мурожаат билан келишган эди.

Аризада 170 нафардан ортиқ кўзи ожиз бола таълим-тарбия олаётган муассасада муҳит тобора оғирлашиб, педагоглар ўртасидаги муносабат кескинлашиб кетаётгани ҳақида айрим ҳужжат ва далиллар келтирилганди.

Газетада чоп этилмади, аммо...


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI | MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

O'zbekiston, Toshkent shahar, 100187, M.Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak yo'li ko'chasi, 243-uy
Tel.: (99871) 266-23-25, faks: 265-90-92, web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

«02» май 2019 у. 01-01/2-1084 sonli

"Ўзбекистон овози" ижтимоий-сиёсий газетасига

Сизнинг 2019 йил 3 апрелдаги 27-сонли хатингизга

Фарғона вилоятида жойлашган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати педагог ходимлари томонидан мактаб-интернатидаги носоғлом муҳит юзасидан норозилиги юзасидан ёзган аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни 24-моддасига асосан муассаса фаолияти ҳамда таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида ишчи гуруҳ томонидан мактаб-интернатда амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнини тўлиқ назорат қилмаганлиги, натижада муассасада носоғлом муҳит юзага келишига йўл қўйганлиги учун Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими методисти А.Раҳматовга 2019 йил 2 майдаги 20-иж-сон буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддаси 1-қисмига асосан "Ҳайфсан" эълон қилинди.

Шунингдек, бошқарма бошлиғи ўринбосари Б.Латипов ҳамда кадрлар бўлими назоратчиси Э.Холиқов қатъий огоҳлантирилди.

Мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнининг назорати Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан кучайтирилди.

Вазир ўринбосари Д.Кенжаев

Ижрочи: Ў.Камалова
тел: (71) 266-13-34

Ўқитувчилар мурожаати Халқ таълими вазирлиги эътиборига ҳавола этилган эди. Мазкур хатга вазирликдан жавоб келди. Унда ариза бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида қуйидагилар маълум қилинган:

«Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасига асосан муассаса фаолияти ҳамда таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида ишчи гуруҳ томонидан мактаб-интернатда амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнини тўлиқ назорат қилинмаганлиги, натижада муассасада носоғлом муҳит юзага келишига йўл қўйилгани учун Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими методисти А.Раҳматовга «ҳайфсан» эълон қилинди.

Шунингдек, бошқарма бошлиғи ўринбосари Б.Латипов ҳамда кадрлар бўлими назоратчиси Э.Холиқов қатъий огоҳлантирилди.

Мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнининг назорати Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан кучайтирилди».

54 МУРОЖААТ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Қашқадарё вилояти Қамаши туманида вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонаси ҳамкорлигида сайёр қабул ўтказилди.

Унда секторлар раҳбарлари, вилоят ташкилотлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сайёр қабулда 158 нафар фуқаронинг 185 та мурожаати кўриб чиқилиб, 54 мурожаат жойида ҳал этилди. 8 та мурожаат бўйича тушунтириш берилди. 122 та мурожаатни ўрганиш ва ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилотларга топшириқ берилди.

Тумандаги Бойбўри қишлоғида 1 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 200 нафардан ортиқ бола таълим олиш учун 6 километр узоқликдаги Тўқбой қишлоғида жойлашган 73-умумий ўрта таълим мактабига қатнайди. Айниқса, совуқ кунларда ёки ёғингарчилик пайтида шунча йўл босиб мактабга бориш осон эмас. Сайёр қабулда қишлоқ аҳолисининг мазкур муаммоси тингланиб, ижобий ечим топадиган бўлди.

– Бугун жуда хурсандмиз, энди бизнинг қишлоқда ҳам мактаб қуриладиган бўлди, – дейди Бойбўри қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Сайфулла Алмуратов. – Ҳар ҳолда мутасаддилар шундай ваъда беришди. Бундан ташқари, маҳалламиз идораси ҳам йўқ. Бу муаммони ҳам айтдик. Ўрганиб чиқиладиган бўлди. Илгари республика у ёқда турсин, вилоят ва ҳатто туман раҳбарлари жойларга келиб, аҳолининг дардини тинглашини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Дардимизни кимга айтишни билмас эдик. Ҳозир эса раҳбарларнинг ўзи келиб, муаммойингиз нима, деб сўрамоқда. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Сайёр қабул давомида меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, унда 82 та ташкилот-корхона ва муассаса 413 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Кўпчилик фуқароларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Масалан, Замира Абсаломова туман тиббиёт бирлашмасига лаборант, Феруза Муртазоева эса орастабон бўлиб ишга жойлашадиган бўлди. Шароф Норқобилов шу ернинг ўзида туман ободонлаштириш бўлимига ишга қабул қилинди.

– Анчадан буён иш излаб юргандим, – дейди Ш.Норқобилов. – Бугунги ярмакада қоровуллик ишига жойлашдим. Қишлоғимдан иш топганим яхши бўлди. Бундан оила аъзоларим ҳам хурсанд.

Шунингдек, сайёр қабул доирасида ногирон ва соғлиғини йўқотган бир гуруҳ фуқароларга 20 та ногиронлик аравачаси, 15 та ҳасса, қўлтиқтаёқ, соғлиғини тиклаши учун сиҳатгоҳларга 17 та йўлланма тарқатилди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

СУДЬЯЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши қарорига кўра, биринчи беш йил муддатга судьялик лавозимига тайинланганларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Олий суд раиси К.Комилов судьяликнинг масъулияти, одил судловни амалга оширишда фақат қонунга таяниш лозимлиги ҳақида тўхталиб, судьялик лавозимига киришаётганларга омад тилади. Шундан сўнг илк бор судьяликка тайинланганлар қасамёд қабул қилди.

— Бугун ҳаётимда қувончли кунлардан бири, — дейди Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялигига тайинланган Озода Ғуломова. — Шу кунга қадар турли идораларда ҳуқуқий маслаҳатчи, катта маслаҳатчи лавозимларида ишладим. Олий судда малакамни оширдим. Ўйлайманки, бу ўрганганларим судьялик фаолиятимда қўл келади.

Тадбирда иштирок этган ота-оналардан Дилбар Эсанбаева, Абдурашид Бойбеков, Шаҳодат Тўлаганова, Насиба Миршаева ва Ҳаким Зоҳидовлар фарзандларининг судья бўлиб тайинланганидан мамнунлигини изҳор этиб, уларнинг давлатимиз ишончини оқлашига, ҳалол ва пок бўлиб, қонун доирасида иш олиб боришига хайрихоҳлигини билдирди.

14 нафар илк бор судьяликка тайинланганларга судьялик гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси судьяларининг одоб-ахлоқ кодекси китоби топширилди.

М.ТОШҚОРАЕВА,
ЎзА мухбири.

«Муваффақиятни — саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса — лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим»

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида иқтидор сўзининг маъноси куч-қудрат ва қодирликдир. Бугун тараққиёт йўлидаги Ўзбекистонга билим кучи, билим қудрати, билим қодирлиги сув билан ҳаводек зарур.

Таълим тизими сифати жамиятнинг етуклик даражасидан далолат берса, иқтидорлилар таълим-тарбиясига эътибор, уни кафолатлайдиган давлат раҳбари ва мамлакат миллий элитасининг етуклик даражасини кўрсатади. Президентимизнинг Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қарори мазкур йўналишдаги ислоҳотлар узлуксиз давом эттирилаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон — иқтидорли ёшлар мамлакати

Ёшлар тарбияси ва таълимини тўғри, миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш жиддий стратегик масала ҳисобланади. Таълим-тарбия тизими сифати ва таркиби ҳар қандай мамлакатнинг иқтисоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган энг асосий омиллардан биридир.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида ёшларнинг таълим-тарбиясини мақсадли ислоҳ қилиш натижасида иқтисоий-иқтисодий барқарор жамият қурган давлатларга бир эътибор берайлик: Япония, Жанубий Корея, Финляндия, Норвегия... Улар ислоҳни боғчадан бошлаб, 2-3 ўн йилликда ўзига хос, самарали таълим-тарбия тизимини яратиш ҳисобига иқтисодий барқарор, ривожланган мамлакатларга айланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган бу соҳадаги ислоҳотлар хронологиясини таҳлил қилайлик. Ишни деярли тугаган мактабгача таълим тизимини тиклашдан бошладик. Ўзбекистонда илгари бўлмаган, ҳар жиҳатдан қулай, яхши жиҳозланган боғчалар қура бошладик. Энг аввало, узлуксиз таълимнинг ўта заиф ҳалқаси ва шу билан бирга, энг муҳим соҳаси бўлган мактабгача таълим муассасалари мазмунан ва ташкилий жиҳатдан янги шаклларда намоён бўлмоқда. Янги шаклдаги мактабгача таълим нафақат мамлакатимизда боғча ёшидаги болаларнинг қамраб олиш кўламини кескин оширишга, шунингдек, болаларни 3-6 ёшиданоқ қизиқиши, эркин мулоқот қила олиш қобилиятига қараб алоҳида гуруҳларга бўлиб таълим-тарбия бериш механизмларини жорий этиш имкониятларини бермоқда.

Мактабгача таълим муассасалари учун тарбиячиларни тайёрлаш тизими ҳам деярли йўқ даражага келган эди. Олий таълим даргоҳларида мактабгача таълим муассасалари учун мутахассислар, тарбиячилар, мураббийлар тайёрлашнинг сон ва сифат жиҳатидан янги даври бошланди. Турмушимизга мактабгача таълим муассасалари ва ўрта умумтаълим мактаблари хусусий шаклларининг кириб келиши таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратмоқда. Жамиятда таълим муассасасини танлаш, шу билан бирга, инновацион таълим берувчи мураббийлар, ўқитувчиларга бўлган янгича талаб, шунга муносиб ҳақ тўлаш тизими ҳам амалиётга кириб келмоқда.

Халқимиз кўпдан буён кутган 11 йиллик мактаб таълимига қайтилиши болаларимизнинг таълим олиш сифатини ҳам, тарбиясини ҳам янада юксалтириш имкониятини берди. Умумий ўрта таълимда тизимли ўзгаришлар жараёни тезкорлик билан давом этмоқда. Фанлардан янги дастурлар, дарсликлар, ўқитувчи маоши ва қадрининг ошиши шулар жумласидандир.

Касб-ҳунар таълими — коллежлар борасида ҳам янги тизим яратилмоқда. Бу тизим иш берувчиларнинг реал талабидан келиб чиққан ҳолда, аниқ ва оптимал бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан миллий элита ёшларни тарбиялаш бўйича давлат сиёсатининг ўритилиши ва таълимга концептуал ёндашиш яқин йилларда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларини инновацион фикрлайдиган мутахассис кадрлар билан таъминлаш имкониятини яратади. Бу мақсадга эришиш учун таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим омиллар белгиланди ва уларни мамлакат миқёсида бажариш бўйича қатор манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Бу омилларнинг ичида академик лицейларнинг қайтадан ислоҳ қилиниши, мактабгача таълим тизимининг ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида тубдан ўзгартирилиши, таълим соҳасида рақобат муҳитини яратишга олиб келувчи хусусий таълим муассасаларининг очилиши, инновацион билим ва фанни эгаллаш учун хорижий университетларда ёшларнинг таҳсил олиши, Президент мактабларининг ташкил қилиниши таълим ислоҳотларини изчил давом эттириш ва янада юксалтиришга хизмат қилиши табиий.

Президентимиз Конституция байрамидаги маърузасида олий таълим ислоҳотларига алоҳида тўхталди. Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги илмий марказлар «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак.

Президентимизнинг «Ўзбекистонга жадал ислоҳотлар суръатига мос илғор кадрлар керак» номли маърузасида замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, **«Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз»** деб алоҳида таъкидланган.

Албатта, Ўзбекистонимизнинг дунё мамлакатлари ичида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши сўзсиз инновацион билимларни эгаллаган, инсон капитали соҳиби бўлган бугунги ёшларнинг қўлида. Шу сабабли ёшлар тарбиясидаги энг муҳим навбатдаги қадамлардан бири — бу Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий ва стратегик қарордир. Мазкур ҳужжатда 2019-2021 йилларда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда Президент мактабларини қуриш белгиланган. Бу мактабларда таҳсил оладиган ўқувчиларни танлаш Кембридж университети профессор-ўқитувчилари томонидан амалга оширилади. Бу борада Халқ таълими вазирлиги махсус меморандум имзолади. Президент мактабларига умумтаълим мактабларининг 4-синф битирувчилари мантиқий фикрлаш тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбатлар натижасида танлаб олинади. Шунингдек, халқаро «STEAM» — таълим (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури асосида ўқитиш йўлга қўйилади. 9-11-синфларда ўқувчилар ўзларининг қизиқишларига қараб айрим фанларни танлаш орқали индивидуал билим олиш имкониятига эга бўлишади.

Президент мактабларининг бош вазифаларидан бири — табиий ва аниқ фанларни чуқур ўқитиш, ўқувчиларнинг инновацион билимларни ўзлаштиришларини, уларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятларини очиб бериш ва ривожлантиришдан иборатдир. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, фарзандларимизнинг қобилиятларини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимизда яна кўплаб Беруниийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади.

Президентимизнинг Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бу соҳада ташланган яна бир ўта муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжат ёшларимизни илм-фан бобида янада ғайрат-шижоат кўрсатишларига катта туртки бўлади.

Таълим сифати жамиятнинг равнақини таъминлайдиган асосий ва бирламчи омил эканлиги ҳукматнинг доимий эътибор марказида туради. Иқтисодиётнинг реал секторлари талабларидан келиб чиқиб миллий элита кадрларни тайёрлаш ва уларни дунё бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш минтақа (вилоят)лар стратегик мақсадига айланиб бормоқда. Бу ўта муҳим сиёсатнинг муваффақияти мамлакатнинг ҳар бир фуқароси таълим ислоҳотларида фаол иштирок этишини тақозо қилади. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, ... ислоҳот — бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотларнинг ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради.

Ҳақиқатан ҳам таълим сифати ҳар бир ўқитувчининг малакаси ва ўз касбига фидойилигидан ташқари, жамиятнинг таълимга бўлган муносабатига ҳам бевосита боғлиқдир. **Бугун биз янги авлод ўқитувчисини хорижда ёки ўзимизда тарбиялаш билан биргаликда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган 25-45 ёшдаги педагогларнинг малакасини оширишнинг тубдан янги, мукаммал ва иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга мослашувчан тизимини ишлаб чиқишимиз лозим. Ахир бугун янги типдаги боғчада тарбияланаётган болалар олий таълим муассасасига ўқишга келгунича камида 12-15 йил ўтади. Ваҳоланки, шу вақт ичида ҳозирги профессор-ўқитувчиларнинг 75-85 фоизини янгилашни давр шиддати тақозо этади. Кутишга ва лоқайдликка берилишга ҳеч ҳам ҳаққимиз йўқ.**

Президентимиз Мурожаатномасида келтирилган Нажмиддин Кубронинг «Муваффақиятни — саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса — лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим», деган ҳикматли сўзларининг маъносини ҳаммамиз чуқур англашимиз керак. Жамиятнинг ҳар бир кишисида мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, миллий фидойилик туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш вақти келди, бу жараённи кундалик турмуш тарзига айлантириш кун тартибимиздаги бош масаладир. Ўшанда жонажон Ўзбекистонимиз иқтидорли ёшлар мамлакатига айланади.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори.

Германия тараққиётининг асосий босқичларини акс эттирган китоб

Инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, демократик тамойилларни қарор топтириш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналиши, мақсад-муддаосидир. Шу боис, дунё харитасидан жой олган мамлакат борки, ўз халқи ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур омилларга йўл очувчи қонуний асосларни яратишга интилади.

Конституция давлат ва жамият бошқаруви тизими, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари, давлат ва жамият муносабатларини белгиловчи ана шундай Бош қомусдир.

Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни давлатчилик тарихининг замонавий шаклларини ўзида мужассам этган ана шундай ҳуқуқий асослардан биридир. Бу йил ушбу мамлакат Асосий қонуни қабул қилинганининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган тадбир ҳам ушбу санага бағишланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этган тадбирда Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг ўзбек тилида чоп этилган нусхаси тақдимоти ўтказилди.

Миллий марказ директори Акмал Саидов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Аваззжон Марахимов ва бошқалар Германия Конституцияси ушбу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Унинг ўзбек тилига таржима қилинган илк нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи чоғида Бундестаг раиси Вольфганг Шойблега тақдим этилган эди.

Китоб «Akademnashr» нашриётида ўзбек ва немис тилларида чоп этилган. Унинг сўзбошисида нашр учун масъул муҳаррир А.Саидовнинг Германия қонунчилиги мажмуининг батафсил изоҳи келтирилади.

Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) кўмагида чоп этилган китоб ҳуқуқ ва сиёсатшунослик йўналишларида таълим олаётган талабалар, давлат ҳуқуқи ва конституциявий ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган олимлар, кенг китобхонларга мўлжалланган. Ушбу китоб Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги илмий нашрлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир доирасида Акмал Саидов ўзи таҳсил олган Ўзбекистон Миллий университетига ҳуқуқ соҳасига оид, хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилган ишлар, бу борадаги илғор хорижий тажриба ҳақида маълумот берувчи 300 та китобдан иборат туркум асарларни совға қилди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Оқни оқ, қорани қора дейиш шунчалик қийинми?

БОШ МУҲАРРИРГА ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли Бош муҳаррир! «Ўзбекистон овози» газетасининг 2018 йил 18 декабрь сонида «Бир фитна оқибати» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди.

Ёдингизда бўлса, унда 2017 йилнинг 4 июлида Ургут туманидаги «Шаҳризода Санам» фермер хўжалиги раҳбари, Анвар Зиёев ва ижарачи Асад Йўлдошевга тегишли трансформаторнинг сўрғичи бузилиб, номаълум шахслар томонидан ҳисоблагичлар алмаштириб қўйилгани, ўша куннинг ўзидаёқ қаёқдандир пайдо бўлган «Деҳқонобод» электр таъминоти корхонаси ходими Адҳам Искандаров, туман мажбурий ижро бюроси ходимлари Илҳом Қурбонов ва Шоҳимардон Қурбонов Анвар Зиёевга тегишли ҳисоблагичнинг сўрғичи бузилгани ҳақида далолатнома тузишгани ва Ургут туман прокуратурасига топширгани ва ўғлимга нисбатан асоссиз айблар қўйилгани мисоллар асосида баён этилган эди.

Шунингдек, мақолада Ургут туманидаги тоғ ён бағрида жойлашган «Шаҳризода Санам» фермер хўжалиги раҳбари, фарзандим Анвар Зиёевга 2017 йилнинг 5 декабрида Ургут туман прокуратураси жиноят ишлари бўйича терговчи вазифасида иш ўрганувчи Азамат Нарзиев томонидан **«сув чиқарадиган насос қурилмалари учун «Деҳқонобод» электр таъминоти корхонаси ўрнатган электр ҳисоблагични алмаштиргани», «...электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келиши натижасида «Деҳқонобод» электр таъминоти корхонаси манфаатларига 25 миллион 674 минг сўм миқдорида зарар етказгани», «кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилгани»** сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айблов қўйилгани ва Жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан 2018 йил 26 мартда ўтказилган суд мажлисида бу зарар фермер томонидан қопланиши ҳақида ҳукм чиқарилгани ҳамда унга бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлангани ҳақида сўз боради.

Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судининг 2018 йил 5 августда ўтказилган очиқ мажлисида эса Ургут туман «Деҳқонобод» электр таъминоти корхонаси томонидан 2018 йил 7 августда тузилган солиштирма далолатнома асосида «Шаҳризода Санам» фермер хўжалигининг электр энергиясидан қарзи мавжуд эмас, деган қарор чиқарилган. Аммо ҳозиргача жиноят ишлари бўйича суд ҳукми бекор қилинмаган ва туҳматга қолган фарзандим Анвар Зиёев қарийб икки йилдан буён айбсизлигини исботлаш учун ишдан қолиб, суд-ҳуқуқ маҳкамаларига қатнаб сарсон-саргардон бўлмоқда.

> **Ҳурматли Бош муҳаррир!**
> **Менинг ҳеч кимга ҳеч қандай талабим йўқ. Мақсадим – адолат қарор топиб, туҳмат оқибатида ранги сомон бўлган ўғлимнинг фарзандлари, ёру-биродарлари, қолаверса, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлса, дейман. Ҳалол меҳнат билан топган даромадидан Меҳрибонлик, Саховат уйларига, болалар боғчаларига доимий равишда хайрия қилиб келаётган ўғлимнинг арзимаган пул учун электр ҳисоблагичнинг сўрғичини узиб, уни алмаштириб қўйишига ҳар қандай ақли расо инсон ишонмаслиги тайин!**

Мен Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судининг 2018 йил 5 августда ўтказилган очиқ мажлисида «Шаҳризода Санам» фермер хўжалигининг электр энергиясидан қарзи мавжуд эмас, деб чиқарган қарори асосида 2018 йил 26 мартда Анвар Зиёевга нисбатан Жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан тайинланган бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосини олиб ташлаш бўйича юқори судларга ариза билан мурожаат қилган эдим.

Олий суд судьяси Т.Мелибоев томонидан қабул қилинган ажримга кўра, судланган А.Зиёев иши бўйича суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги кўрсатилган ва бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилган. Унинг бу жавобини умуман тушунмадим. У ё ишни чақириб, масаланинг ичига кириб, ўрганиб кўрмаган ёки фуқаролик судининг қарорини тан олмаяпти.

Ушбу танқидий мақола чоп этилганидан кейин Сиз томонингиздан Олий суд раҳбариятига юборилган хатга 2019 йил 4 январда олинган жавобнинг охирги бандида: **«Ҳозирда судланган А.Зиёев томонидан суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ажрими устидан назорат тартибида шикоят берилмаган»**, деб ёзилган.

Шундан сўнг мен адвокатим Ш.Қурбонов билан бирга Олий суд судьяси Т.Мелибоев томонидан қабул қилинган ажримни нотўғри деб топишни сўраб ариза ёздим ва 2019 йил 14 январда Олий суднинг жиноят ишлари бўйича ўринбосари қабулида бўлдим. **Натижада менинг шикоятим қаноатлантирилиб, Т.Мелибоевнинг ажрими бекор қилинди, бу иш Самарқанд вилоят судида уч нафар судьядан иборат суд коллегиясида кўриладиган бўлди. Лекин афсуски, орадан уч ойдан зиёдроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, бугунгача бу иш на Олий судда, на вилоят судида кўрилмаяпти!**

Бу алдовларга чидай олмай, яна 3-4 маротаба рангимни сарғайтириб, Юқори суд мутасаддилари қабулига бориб ўтиришимга тўғри келди. Охири 2019 йилнинг 11 апрелида бу иш бўйича Олий суднинг ҳайъат раиси ўринбосари И.Муслимов имзоси билан берилган жавоб хати 2019 йил 6 февралда Республика Бош прокурорига, Ургут туман прокурорига ва адвокат Ш.Қурбоновга жўнатилганини аниқладим. Лекин энг ҳайрон қоларли жойи, бу жавоб хати нима учун уч ой давомида бизнинг қўлимизга етиб келмади?

Савол туғилади: майли, бир суд айбдор қилди, бошқаси оқлади. Наҳотки шу оқловга асосан туҳматга қолган бир инсонни айбсиз, деб иқрор бўлиш шунчалик мушкул бўлса?! Биз Юқори судга Т.Мелибоевнинг ажримидан норозилик шикояти ёзиб, умид билан кутдик, лекин бу иш яна айланиб, Ургут туман прокуратурасига юборилди? Бу мантиққа қанчалик тўғри келади?

Ҳурматли Бош муҳаррир! Менинг ҳеч кимга ҳеч қандай хусуматим йўқ. Мақсадим – адолат қарор топиб, туҳмат оқибатида ранги сомон бўлган ўғлимнинг фарзандлари, ёру-биродарлари, қолаверса, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлса, дейман. Ҳалол меҳнат билан топган даромадидан Меҳрибонлик, Саховат уйларига, болалар боғчаларига доимий равишда хайрия қилиб келаётган ўғлимнинг арзимаган пул учун электр ҳисоблагичнинг сўрғичини узиб, уни алмаштириб қўйишига ҳар қандай ақли расо инсон ишонмаслиги тайин! Афсуски, кимларнингдир манфаати, таниш-билишчилиги, ўйинлари суд идораларини ҳам чалғитаётгани кишини таажжубга солади.

Ахир, бундай ҳолатлар қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўраётган суд-ҳуқуқ идоралари ходимлари шаънига, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга соя солади-ку, суд обрўсига путур етказади-ку.

Таҳририят ҳам ўз позициясини ҳимоя қилмаса, айтган гапи ҳавога учиб кетса, газетанинг таъсир кучи, нуфузига салбий таъсир қилади, деб ўйлайман.

Ёшим бир жойга борганда бундай сарсонгарчиликни кўриш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Бундай ёзишмаларни ўзимга эп кўраман, деб ҳам ўйламаганман. Аммо начора, мажбур бўлдим...

Сизга ҳурмат билан,

Абдузоҳир ЗИЁЕВ,
меҳнат фахрийси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Абдузоҳир Зиёев Ургут туманининг Баҳрин қишлоғида яшайди. Ўттиз йилга яқин собиқ Навоий жамоа хўжалигини бошқарган, Олий Мажлис, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига бир неча бор сайланган, туман ва вилоятда таниқли, обрўли инсон. Фарзанди Анвар Зиёев 2007 йилдан буён «Навоий» агрофирмаси қошида ташкил этилган «Шаҳризода Санам» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Маҳалладаги ободончилик ва хайрия ишларига мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади. Бу очиқ хатга алоҳида муносабат билдиришни лозим топмадик. Ҳар бир мутасадди идора бу борада ўзига хулоса чиқариб олади, деб ўйлаймиз.

Бола тарбияси бутун жамоатчилик ишига айланган тақдирда, кўзланган мақсадга етиш мумкин.

Ота-оналик масъулияти

МУҲИМ МАСАЛА

Халқимиз — азалдан болажон. Хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, фарзанди дунёга келса, Яратганнинг инъоми сифатида қабул қилиб, шукроналар айтади. Боласини бошига кўтариб авайлайди, бутун меҳрини бериб, уни камолга етказади, таъминоти-ю тарбиясига ҳаётини бағишлайди.

Миллий қонунчилигимизда ҳам бу қадрият ўз аксини топган. Аввало, давлатимизнинг асосий қонуни — Конституциямизда, Оила кодексида, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларда фарзандларимиз, вояга етмаган болалар манфаатларининг тўлақонли ҳимояси кафолатланган.

Айниқса, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан вояга етмаганларни ижтимоий-иқтисодий таъминлаш, уларга юқори сифатли таълим-тарбия бериш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори вояга етмаган, шунингдек, ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимининг жорий этилиши, 2019 йил 1 сентябрдан эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёш этиб белгилаш ҳамда ҳар қандай суд муҳокамаси даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақли эканлиги, қарорлар қабул қилинишида ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши, ҳамда бола манфаатларини назарда тутувчи қарор қабул қилиши шартлиги белгилангани келгусида болалар ҳуқуқи сўзсиз ҳимоя қилинишини таъминлаши муқаррардир.

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, фарзанд тарбиясига ўта масъулият билан ёндашиш лозим ва бунда шахсий ибрат жуда муҳимдир.

Абдулҳамид Ғаззолий ҳазратлари айтганлар: «Билгил! Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота-онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суртдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади...

Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади.

Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки шу кўйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади».

Афсуски, фарзандлар тарбиясига беэътибор муносабатда бўлаётган ота-оналар оз эмас.

Тўғри, бирон-бир ота-она фарзанди жиноятчи бўлишини ният қилмайди. Аммо фарзанд тўғри тарбия олиб, билимли, одобли, иймонли бўлиб вояга етиши учун ота-она меҳнат қилиши, курашиши керак бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, болалар тарбияси издан чиқиб кетишига аввало ота-оналар ажрашиши сабаб бўлмоқда. Ота-оналарнинг сурункали ўзаро жанжали, ажралишлари болалар руҳига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса, бола тарбияси етарли даражада назорат қилинмайди. Отанинг сўзи, юки камлик қилади. Ажралган ота-оналар орасида фарзанд тарбияси, эҳтиёжи билан қизиқмайдиганлари оз эмас.

Асосий қонунимиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари қайд этилган. Ажрашиб яшаётган айрим ота-оналар фарзандларининг тарбиясида умуман иштирок этмаслиги, ҳатто фарзанди моддий таъминотини ҳам ихтиёрий амалга оширмаётганлиги ачинарли ҳолат.

Буни биргина 2019 йилнинг 3 ойида 615 фуқародан суднинг ҳал қилув қарори асосида, 10.758 фуқародан суд буйруғи орқали фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш белгиланганлигида, 1.191 нафар ота фарзандини таъминлашдан бош тортганлиги учун маъмурий, 3 нафар ота эса жиноий жавобгарликка тортилганида кўриш мумкин.

Ваҳоланки, ҳадиси шарифда келтирилганидек, «...Киши ўз аҳлига мутасаддидир ва қўл остидагиларга масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва у қўл остидагиларга масъулдир...». Ота-оналар ўз фарзандига нисбатан мутасадди ва масъул эканлигини, фарзанд тақдири, келажаги учун масъуллигини унутмаслиги демакдир.

Болалар тарбияси бузилишига сабаб бўлаётган яна бир масалага жамоатчилик эътиборини қаратмоқчиман.

Бугунги кунда айрим ота-оналар келажакда фарзандини моддий жиҳатдан зўр таъминлаш, унинг тўйини дабдабали ўтказишни орзу қилиб кўпроқ маблағ илинжида болаларини ота-онаси, қариндоши, ҳатто қўни-қўшнисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга кетаётгани сир эмас. Лекин улар фарзандига айни тарбия бериш лозим бўлган вақтни йўқотаётганлиги, энг ачинарлиси, фарзанди бахтини йўқотаётганини билмайди. Билганида эса кеч бўлади.

Бола, хоҳ у ўғил ёки қиз бўлсин, айни балоғат ёшига қадам қўяётган бир пайтда унинг тарбиясини бировга ишониб бўлмайди. Ота-она пул топиб келган пайтда эса фарзанд тарбияси издан чиқиб кетган бўлади.

Бугунги кунда жиноят содир этиб, жазо ўтаётган вояга етмаганларнинг 70 фоиздан юқориси ажрашган ёки бошқа юртга ишлаш учун узоқ муддатга кетган ота-она фарзандлари эканлиги фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, бугун биз эътибор қаратишимиз лозим бўлган салбий ҳолатлардан бири шундаки, Меҳрибонлик уйларидаги болаларнинг аксарияти ота-онаси ҳаёт, лекин ажрашган. Бугун улар давлат қарамоғида, ота-она меҳри йўқ.

Шу ўринда халқимизнинг «меҳр берган меҳр кўради», деган ҳикмати ёдга тушади. Агарда биз бугун фарзандларимизга меҳр кўрсатмасак, эрта бир кун ўзимиз уларнинг меҳрига зор бўламиз. Бу ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Буни ажрашгач, турли баҳона ва сабаб билан болаларини Меҳрибонлик уйига ташлаб, ўз нафси, бугунги кунини, ҳаловатини кўзлаб юрган ота-оналар ўйлаб кўришлари даркор.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорида айни шу ҳолатлар ҳам ҳисобга олинган, боласини ихтиёрий таъминлашдан бош тортган ота-оналарнинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш масаласи белгиланган.

Учинчидан, оиладаги ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ота-онанинг спиртли ичимлик ичишга ружу қўйганлиги, ўзаро ҳурмат йўқолганлиги, яъни бир сўз билан айтганда, оила бошлиқлари — ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтожлиги (биргина 2019 йилнинг уч ойида 151 ота (она) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган) ҳам вояга етмаган ёшларнинг келажагига рахна солаётган ҳолатлардан биридир.

Болаларнинг жиноят йўлига киришининг сабабларидан яна бири, вояга етмаган фарзандларимизнинг онгига салбий таъсир этаётган турли ахборотлар, хусусан, интернетда тарқатилаётган зўравонлик ва фаҳш акс этган маълумотлар бўлиб, уларни ушбу таъсирлардан жуда эҳтиёт қилишимиз лозим.

Вояга етмаган ёшларни жиноятчилик кўчасига етаклаётган барча ҳолатларнинг бош сабаби — бола тарбиясидаги эътиборсизликдир. Шунинг учун ҳам тарбия ишларига ҳаёт-мамот масаласи сифатида қараш зарур.

Ота-оналар фарзандлари тарбиясини биргина таълим муассасалари зиммасига юклаб қўйиши ёки «Менинг боламдан ёмонлик чиқмайди», деган кайфиятда бўлиши керак эмас.

Боланинг эртага қандай одам бўлиши ота-она назорати ва тарбиясига, меҳрига боғлиқ.

Бола тарбияси ҳақида гап кетганда, васийлик ва ҳомийлик органлари иш фаолияти самарадорлигини талаб даражасида йўлга қўйиш, ушбу орган ходимларини ўқитиш, касбга тайёрлаш ва уларнинг масъулиятини оширишга жиддий эътибор керак.

Жамоатчилик асосида ёшлар, хусусан, вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш масаласини доимий назорат қилиб бориш (маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, диний идора вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёзувчи-адиблар, Ёшлар иттифоқи вакиллари, ИИБ, прокуратура, адлия ва суд ходимлари), барча ёшлар билан, ўғил болалар билан алоҳида, қиз болалар билан алоҳида тизимли тарбиявий ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш керак.

Тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турган ёшлар билан ишлашнинг янги самарадор тизимини йўлга қўйиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш талаб этилади. Ҳар бир боланинг ҳолати, унинг шарт-шароитлари, тарбиясига салбий таъсир этаётган омилларни таҳлил этиш, бу ишга Ёшлар иттифоқи вакиллари, руҳшуносларни жалб қилиш, уларни вояга етмаганлар иши кўриладиган суд процессларида иштирок этишга таклиф қилиш ҳамда жазо ўтаётган вояга етмаганлар билан учрашув, очиқ мулоқотлар ташкил этиш, уларни турли касбларга қизиқтириш ва йўналтириш, рағбатлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, мактаб ўқув дастурида болалар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътиборни кучайтириш керак. Бунда айни пайтдаги ҳуқуқ асослари фани дарсликларини содда, болалар учун тушунарли тилда тайёрлаш, ўқув машғулотларини янгича, қизиқарли ташкил этиш усулларини яратиш лозим бўлади. Бола тарбияси бутун жамоатчилик ишига айланган тақдирда, кўзланган мақсадга етиш мумкин. Жамиятнинг эртанги тақдири бугун болаларимизга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқлигини унутмаслик керак.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Олий суди раисининг ўринбосари.

Боғдорчиликдаги муаммолар

Мутахассис минбари

Тўғри, хориждан ўрганиш, тажриба алмашиш керак, лекин унга мутлақо тобе бўлиб қолиш ярамайди.

Деҳқончилик, боғдорчилик, умуман, ҳар қандай илм янгиликни талаб этади. Бу бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Бизгача ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган, тадқиқотлар, изланишлар олиб борилган. Охирги пайтда шошганиданми, тушунмасликданми, бир неча йиллар олдин қилинган тажрибани «мана буни мен яратдим», деб кўрсатадиганлар кўпайиб боряпти. Мисол учун, бир кўргазмада ёш қизлар нитрофен олиб келиб, янгилик яратдик, деди. Уларнинг устозлари билан тортишиб қолдим. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу қўлланилгани, ёшлар билмаса, катталар бундан хабардорлигини, бировнинг меҳнатини ўзиники қилиб кўрсатиш нотўғрилигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бу илм-фан тараққиёти, ривожига акс таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Давлат раҳбари ҳам янгилик олиб киришни, замонавий ғоялар асосида иш тутишни кутмоқда.

Масалан, интенсив боғни олайлик. Одамлар кўчатни экиб қўйсанг, олма уйга, заводга ўзи борадиган, деб ўйлаганди. Йўқ, аслида бу катта меҳнат, сабр, асосийси, тўғри парвариш талаб этадиган жараён саналади. Ана шундан қочмаганлар бугун роҳатини кўряпти, маҳсулотларини чет элга экспорт қилмоқда. Бозорларимизда айрим мевалар анча арзон, лекин айни пишиқчилик пайтида ҳам нархи тушмайдиган мева-чевалар кўп.

Шу билан бирга, турли концентратлар, хушбўйликлар, ранглар қўшилган ичимликлар инсон саломатлиги учун нақадар зиён экнини айтишдан чўчимайман. Ана шу маҳсулотлар ўрнини табиий шарбатлар, мевали ичимликларни кўпайтириш ва зарарли маҳсулотларни бозорлардан чиқариб юбориш лозим. Кузатган бўлсангиз, хориждан келган меҳмонлар фақат оддий, газланмаган сув ичади ва маҳсулот таркибини ўқиб, ўрганиб чиқиб, саломатлик учун зарарсиз бўлганини танлайди. Бизда ҳам шу одатни шакллантириш зарур.

Интенсив боғларни асосан тоғолди туманларда ташкил этиш керак. Чунки боғ 30 йилдан 70 йилгача яшайди. Айни пайтда бизда иқлим ўзгариши кузатиляпти. Кўплаб меволарни совуқ уряпти. Тоғолди ҳудудларда эса вегитация даври чўзилади. Совуқ ҳароратга мослашиб катта бўлган дарахтлар узоқ яшайди. Бундан ташқари, ўтлоқи боғлар ҳам бор. Улардан кўп ҳосил олиш имкони мавжуд. Фақатгина агротехникаси тўғри олиб борилиши лозим. Масалан, боғ учун ажратилган ерда фақат боғ яратиш зарур. Қўшимча экин иккинчи даражали масалага айланиши керак. Мана, Исроилда минглаб гектар майдонда фақат анор етиштирилади ва ўндан ортиқ давлатга экспорт қилинади.

Тўғри, боғдорчиликда 3 йилгача чопиқ қилинадиган маҳсулотлар экса бўлади. Аммо шу кунгача мен ўқиган бирорта китобда буғдой экиш мумкинлиги ёзилмаган. Бизда зарурат юзасидан мажбур экиляпти. Июнь ойида буғдой пишганда унинг ичидаги ҳарорат 10-15 даражага кўтарилади. Натижада эса боғлар нобуд бўлмоқда.

Иккинчиси, келтирилаётган янги навларнинг биологиясини ўрганиш керак. Кўчат иқлимга мослашадими йўқми, тажриба қилиш шарт. Бу жиҳатлар бир туп кўчатда билинмаслиги мумкин. Лекин катта ҳажмда экилганида сезилади.

1986 йилда боғлар одамларга берилди. Уни билган ҳам, билмаган ҳам олди. Ўша вақтда қайта ишлаш корхоналари тўхтаб қолиши оқибатида мевалар ҳайвонларга берилди. Боғдан фойда йўқ экан, деган хаёлда одамлар унинг ичига исталган экинини экди. Қарабсизки, юзлаб гектар боғлар йўқ бўлди. Мавсумий экинлар экилиши оқибатида ернинг устки қисмига кўп ишлов, озуқа берилди. Дарахтлар илдизлари горизонтал ривожлана бошлади. 50-60 йил яшайдиган мевалар кўпга бормади.

Боғ қатор ораларига мунтазам ишлов бериш, унумдорликни оширувчи нўхат, шабда ўсимликларидан экиш керак. Уларни эрта баҳорда кўк масса бўйича ерга аралаштириб ҳайдалса, 40 кило ўғитнинг қувватини беради. Айримларга бу борада маслаҳат берсак, эканти. Кимдир келиб, тоннасига фалон сўм бераман деса, ўриб, сотиб юборяпти. Натижада ернинг кузги қувватини ҳам олиб қўйяпти. Ҳар битта ишнинг натижаси, ҳосилга таъсири ҳақида илмий асосга эга бўлиш талаб этилади. Агар инсоннинг ўзи қилаётган ишларига интенсив ёндашса, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторида бўла оламиз.

Интенсив боғларни иқтисодий рентабеллиги юқори бўлган хўжаликларда ташкил этиш керак. Сабаби, унинг харажатлари катта ва шошқалоқлик қилинса, касодга учраши мумкин. Интенсив боғга 100 килонинг ўрнига 200 кило ўғит берилса, 400 тани ўрнига 200 та кўчат экилса, экспортбоп сара мевалар олинади. Яхши натижа учун тажрибали мутахассислар маслаҳатидан фойдаланиш керак. Янги, серҳосил навларни яратиш, илмий изланишлар қилиш керак. Бизда бунинг учун барча шароит бор. Аввало, юртимиз тинч, унда 4 фасл намоён. **Айни пайтда хориждан катта пул эвазига сотиб олинаётган мева-сабзавот кўчатлари бир йилга мўлжалланган. Келгуси йилда яхши ҳосил бермайди. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу — бизнес. Агар уруғлик кўчатлари кўп йиллик бўлса, бизнес юритувчиларга бундан нима наф?** Шу боис, бизга қўйилаётган талаб ўзимизда маҳаллий навларни кўпайтириш, қайта тиклаш, хорижга сотиш. Ана шунда ер эгалари бойийди.

Истеъмол маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири борлиги ҳисобга олинса, ишнинг масъулияти, машаққатини англаш қийин эмас. Одамлардаги «чет элники яхши» қабилидаги қарашни ўзгартириш лозим. **Бунинг учун илмга қариндош-уруғчилик, таниш-билишчиликни аралаштириб бўлмайди. Уруғчилик соҳасига қаттиққўл, талабчан, ҳалол ва назари тўқ инсон раҳбар бўлиши лозим. Зотан, уруғ ҳосилдорликни белгиловчи бош омилдир.** Тўғри, хориждан ўрганиш, тажриба алмашиш керак. Лекин унга мутлақо тобе бўлиб қолиш ярамайди.

Ер билан ишлашда, у қайси йўналиш бўлсин, мева-сабзавот, ҳосил алдамайди. Инсон алдаши, ўз манфаати учун ёлғон ишлатиши мумкин. Агар ер эгаси ҳалол бўлса, яширмаса, барака бўлади. Фойдаси ҳаммага етади. Буни салкам 50 йилдан буён далада юрган киши сифатида кафолат билан айтаман.

Кимсанбой ҲАМДАМОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги институти катта ўқитувчиси.

Жиноят содир бўлди...

100 000 АҚШ доллари эвазига...

2019 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари томонидан Тошкент шаҳрининг М.Улуғбек туманида ўтказилган тадбирда ушбу туманда яшовчи Ғ.К. Тошкент вилояти Қибрай туманида яшовчи М.М.га Паркент тумани Бойқозон қўрғонида жойлашган 195 гектар ер майдонини ўз танишлари ёрдамида туман ҳокимлигидан ижара шартномаси тузиш орқали унинг ихтиёрига ўтказиб беришини ваъда қилиб, ундан жами 100 000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олганда қўлга тушди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Танишини жароҳатлади

2019 йил 8 май куни Фарғона шаҳрида яшовчи 51 ёшли А.К. Орият кўчаси олдида ўзаро жанжал оқибатида таниши 43 ёшли А.Э.га пичоқ билан жароҳат етказган.

Натижада А.Э. касалхонага ётқизилган ва кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай вафот этган. А.К. ушланган. Жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Алдовнинг оқибати

Жорий йил 9 май куни Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туман прокуратурасига тушган ҳужжатларга кўра, Лутфикор маҳалласида яшовчи 32 ёшли В.Н. ни С.Шерозий маҳалласида яшовчи 56 ёшли А.Р. алдаб, ўзининг таниши Ж.Р. орқали Лутфикор маҳалласидан 0,5 гектар ер майдонини олиб беришни ваъда қилиб, 15 млн. сўм ва 2 000 АҚШ долларини олган. Кўрилган чоралар натижасида А.Р. ва Ж.Р.лар ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ёнғин сабаби ўрганилмоқда

2019 йил 9 май Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшаган 59 ёшли М.М.нинг уйида ёнғин содир бўлган. Кўрилган чоралар натижасида ёнғин ўчирилган.

Оқибатда уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб, зарар кўрган ҳамда ёнғин ўчириш вақтида М.М.нинг қуйган ҳолдаги жасади топилган.

Ёнғин келиб чиқиш сабаби ва келтирилган моддий зарар миқдори аниқланмоқда. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

Ўзи юрист бўла туриб, туҳмат учун жавобгарлик борлигини билмайдими?

ТУҲМАТ ВА ХУСУМАТ

туфайли неча йиллардан буён муқаддас бир даргоҳ раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари таълим-тарбия ишларидан чалғиб, турли идораларга тинимсиз ёзилаётган асоссиз шикоятлар бўйича тушунтириш хатлари ёзиш билан банд бўлишмоқда

Таҳририятимизга ҳар куни турли-туман масалалар бўйича хатлар келади. Бундан ташқари, фуқаролар турли шикоят ва ариза билан мурожаат қилади. Бу албатта, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошаётганидан, ҳақ-ҳуқуқини таниётганидан далолат. Фуқаро ўз ҳуқуқини ҳимоя этиб, адолатсизликка қарши туриб ариза ёзса, бундан мамнун бўлмоқ керак.

Аммо ўзи ноҳақ бўлса-да, ҳақиқатни тан олмай турли суд-ҳуқуқ идоралари, маъмурий идораларга, ижтимоий тармоқларга ўзини жабрланган кўрсатиб, йиллаб шикоят ёзиб, тинчгина ишлаб юрган инсонларга туҳмат ва бўҳтонлар ёғдираётган кимсанинг кирдикорларига қандай баҳо бериш мумкин?

Таҳририятимизга Тошкент молия институти маъмуриятининг институт собиқ ҳуқуқшуноси Мирғани Акбаров бир неча йилдан буён мазкур таълим муассасасида ишлаётган профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимлар устидан турли идораларга туҳмат ва фитнадан иборат шикоятлар ёзиб келаётгани, унинг бундай хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаётгани ҳамда қонунда белгиланган тартибда чора кўрилмаётгани ҳақида мурожаатномаси келиб тушди.

Қўшимча тарзда, Мирғани Акбаровнинг ножўя хатти-ҳаракатлари юзасидан бир қатор ҳужжатлар, Тошкент молия институти Кенгашининг 2019 йил 19 апрелда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилиш баённомаси 48 нафар Кенгаш аъзоси имзо қўйган ҳолда илова қилинган.

Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилади:

«М.Акбаров 2013-2019 йиллар давомида институт раҳбарлари, профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимлари номига туҳмат уюштириш, уларни шантаж қилиш йўли билан ўз шахсий манфаатларини қондириш мақсадида очиқданочиқ таҳдид қилиб келмоқда. Унинг бундай ёлғон маълумотлар билан тўлиб-тошган мурожаатларини ўрганиш учун қанчадан-қанча давлат ташкилотлари ходимларининг вақти кетаяпти. Уларга давлат бюджетидан иш ҳақи тўлаб берилмоқда. М.Акбаровнинг ўта худбинлик ва масъулиятсизлик билан тинимсиз равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сенати, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Халқаро ҳуқуқ ҳимоячилари жамияти, «Озодлик» ва «Би-би-си» радиолари, «Эл. Туз» нашри, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти ва бошқа ташкилотларга йўллаётган асоссиз мурожаатлари илм ва зиё тарқатувчи, тарбия ўчоғи бўлган Тошкент молия институти профессор-ўқитувчи ва раҳбарларини ишдан қолдирмоқда, шаъни ва обрўсига путур етказмоқда».

Хўш, Мирғани Акбаров ким ва унга нисбатан кимлар томонидан адолатсизлик қилинган? Бу ғавғолар қачон ва нимадан бошланган?

Мирғани Акбаров Тошкент молия институти ректорининг 2004 йил 4 декабрдаги буйруғи билан ҳуқуқшунос лавозимига ишга қабул қилинган. 2012 йилдан 2015 йилгача институт раҳбариятига ва касаба уюшмасига унинг устидан бир неча маротаба ёзма равишда шикоятлар тушган. М.Акбаров ўзининг хато ва камчиликларини тан олган ҳамда уларни қайта такрорламаслигини ёзма равишда билдирган. Шундан кейин унга интизомий жазо қўлланилмасдан, фақат огоҳлантириш берилган.

Лекин доимий равишда ходимларга қўпол муомалада бўлаётгани, бир неча маротаба огоҳлантирилишига қарамасдан, жамоадаги соғлом муҳитни бузишга сабабчи бўлиб келгани учун М.Акбаровга институт ректори Н.Ҳайдаров томонидан 2017 йил 4 сентябрда ҳайфсан берилган. Шундан кейин ҳам ўзгариш бўлмагач, 2017 йил 25 сентябрда М.Акбаров билан тузилган меҳнат шартномаси амалдаги қонунлар асосида бекор қилинган. Бор гап шу.

2016-2017 йиллар давомида Тошкент молия институтида Б.Бегалов ректорлик қилган. Бу даврда М.Акбаровнинг ножўя хатти-ҳаракатлари устидан жамоа аъзоларидан оғзаки ва ёзма шикоятлар кундан-кун кўпайиб бораётгани сабабли, у алоҳида хизмат хонасидан 2-3 ходим ишлайдиган режа-молия бўлимига кўчирилган. Лекин М.Акбаров институтнинг ички ҳужжатлари ва буйруқ лойиҳаларига имзо қўймасдан, ходимларни оворaи-сарсон қилишни давом эттирган.

2017 йил май ойидан бошлаб институтга Н.Ҳайдаров ректор қилиб тайинланган. М.Акбаров бундан фойдаланиб, ўзига алоҳида хизмат хонаси ажратилишини сўраб, Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат қилади. Ушбу мурожаат бўйича тегишли ташкилот мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, М.Акбаровга алоҳида хизмат хонаси, барча зарур мебель ва анжомлар ажратилиб берилади.

Ўз талаби қондирилганидан руҳланган М.Акбаров институт фаолиятига доир турли ҳужжатларни имзо қўйдириш учун олиб кирган ходимларни ҳақоратлаш ва институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузишга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларини давом эттиравераді. Шундан сўнг М.Акбаровга нисбатан таъсирлироқ интизомий жазо сифатида ҳайфсан берилади.

Гарчанд М.Акбаров ўз хатти-ҳаракати туфайли институтнинг ўша пайтдаги ректорлари Б.Бегалов ва Н.Ҳайдаров билан келишаолмай қолган бўлса-да, собиқ ҳуқуқшунос ҳар иккала собиқ ректор ва амалдаги ректор Улуғбек Азизов устидан турли жойларга тинимсиз шикоят ёза бошлайди. Институт ректори томонидан унга нисбатан интизомий жазо қўллаш ҳақида берилган буйруқни бекор қилиш ва ишга тиклаш ҳақида даъво аризаси билан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судига мурожаат қилади.

Суднинг 2017 йил 15 декабрь кунидаги ҳал қилув қарори билан фуқаро М.Акбаровнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилади.

Суд қароридан норози бўлган М.Акбаров фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига мурожаат қилади.

Тошкент шаҳар судининг 2018 йил 30 январдаги қарори билан М.Акбаровнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилади.

> **М.Акбаровнинг шикоятларини текшириш учун қанчадан-қанча ишчи гуруҳлари тузилди, қанча-қанча мутахассислар ўз ишларини ташлаб, ойлаб, ҳатто йиллаб шу ҳолатларга аниқлик киритиш учун сарсон бўлишди**

Шундан сўнг, М.Акбаров томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибида шикоят киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарори билан М.Акбаровнинг назорат тартибидаги шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилади.

М.Акбаровнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъволари судларда кўриб чиқилиб, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги қонуний деб топилган бўлса-да, у кўплаб оммавий ахборот воситаларига ўзининг айбсиз эканлигини, ишдан ноҳақ бўшатилганлигини дастак қилиб, жамоатчилик, давлат ҳуқуқ-тартибот идораларига турли иғволарни ёзишда давом этади ва натижада ана шу ҳолат институт жамоасининг сабр косасини тўлдиради. М.Акбаров институт раҳбариятига ёзма равишда (шу жумладан, телефон СМС хабарлари орқали) уни ишга қайта тиклашни талаб этади. Акс ҳолда, «институтда рўй бераётган турли қинғирликлар ва қонунбузарликлар» ҳақидаги маълумотларни тарқатиш билан таҳдид қилади.

Шу пайтгача институт жамоаси М.Акбаровнинг мурожаатларидаги важлар ўз тасдиғини топмаса-да, унга нисбатан ҳеч қандай ташкилотларга мурожаат этмай келаётган эди. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган М.Акбаров андишанинг отини қўрқоқ, деб билган шекилли, институт раҳбарияти ва жамоаси шаънини тўкадиган гап-сўзларни тарқатишда давом этаверди. Охири пичоқ бориб суякка тақалди. Унинг бундай хурмача қилиқларига барҳам бериш, М.Акбаровга қонуний чора кўриш мақсадида Тошкент молия институти Кенгаши томонидан 2019 йил 19 апрелда навбатдан ташқари йиғилиш ўтказилди ва 48 нафар Кенгаш аъзоси имзоси билан суд-ҳуқуқ идораларига мурожаат қилинди.

Мазкур йиғилишда собиқ ходим Мирғани Акбаровнинг ғаразли хатти-ҳаракатлари юзасидан кўпчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Шулардан айримларини келтирамиз.

Ходимлар бўлими бошлиғи Л.Ҳайдарова:

– Мирғани Акбаров институтда ишлаб юрган кезларида, ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, турли бўлим ва кафедраларнинг ички ишларига аралашиб юрган. Оилали бўлишига қарамасдан, институтда ишлаётган хотин-қизларга тегажоқлик қилиб келган. Ижро интизомини таъминламагани, ички буйруқ, хат, хўжалик шартномалари ва бошқа ҳужжатларни имзолаш ишларини атайлаб чўзиб келгани учун унга бир неча маротаба огоҳлантириш берилган. Лекин М.Акбаров бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади.

Девонхона ва архив бўлими мудираси Ф.Яқубжонова:

– Институтнинг собиқ ҳуқуқшуноси М.Акбаров томонидан турли давлат идораларига ёзилган мурожаатлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Хизмат вазифам тақозоси билан мен бу ҳужжатларни бевосита ўқиб кўриб, резолюция қўйилиши учун раҳбарга тақдим этаман. Мурожаатларнинг матни деярли бир хил, турли ташкилотларда рўйхатга олинган рақами ва санасига эътибор берилса, ҳар хил. Бундан шундай хулосага келдимки, М.Акбаров атайин бир хил мазмун ва матндаги мурожаатларини икки-уч кун оралиғида қайта-қайта жўнатар экан. Ўйлайманки, бу одамларни овора қилишдан бошқа нарса эмас.

У.Ортиқов, Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши факультети декани:

– М.Акбаров нафақат институтда ишловчи оддий профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимлар, балки раҳбариятнинг мурожаатларига ҳам тўлиқ ва аниқ бир ҳуқуқий асосланган хулосалар бера олмаган. Биз бундай ҳуқуқшунос билан ишлашга мутлақо қаршимиз. Ишдан бўшаганидан кейин ҳам унинг бўҳтон ва иғволаридан азият чекиб келаяпмиз. Қачонгача бу ҳолат давом этиши мумкин?..

Р.Саидов, Банк иши факультети декани:

– М.Акбаров институтда ишлаб юрган пайтида ҳам ҳаммани овора қилишни яхши кўрар эди. Факультет деканлари ва декан муовинлари буйруқ лойиҳаларига, имзо қўйдириш учун роса қийналарди. Шунинг учун мен унинг қайта ишга олинишига қаршиман ва М.Акбаровнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилишини сўрайман.

Ж.Каримқулов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор:

– Ҳақиқатан ҳам М.Акбаров турли давлат идораларига мурожаат қилиб, ноҳақ туҳмат ва бўҳтонлардан иборат бўлган ёлғон ахборотлар тарқатиш орқали кўпчиликни овора қилиб келмоқда. Бир неча маротаба бўлиб ўтган суд мажлислари, турли ташкилотлардан келаётган ишчи гуруҳларнинг иш фаолияти давомида М.Акбаровнинг муомалага лаёқатлилигини ўрнатилган тартибда текшириб кўриш керак, деган хулосага келдим. Кенгаш аъзоларининг мурожаатномасида шунга алоҳида урғу берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

К.Каримова, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети декани:

– Ҳақиқатан ҳам институтнинг собиқ ҳуқуқшуноси М.Акбаров ўзининг бу хатти-ҳаракатлари билан институт шаънига доғ туширмоқда. Унинг томонидан ҳозиргача турли жойларга тинимсиз ёзилаётган шикоят ва аризалар тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўрганиб чиқилган ва барчаси асоссиз деб топилган. М.Акбаров ўз тасдиғини топмаган бундай мурожаатлари билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини овора қилишни қачонгача давом эттиради?

И.Қўзиев, Ўқув ишлари бўйича проректор:

– Ҳаммамизга маълумки, М.Акбаров ўзининг айбсиз эканлиги, ишдан ноҳақ бўшатилганлигини кўрсатиб, турли ташкилотларга давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда оммавий ахборот воситаларига турли иғволар кўринишидаги ёзишмалари билан институт жамоаси шаънини ерга уриб, обрўсизлантириб келмоқда. Ҳамма нарсада чекчегара ва меъёр бўлиши лозим, деб ўйлайман. М.Акбаровнинг бундай ноўрин хатти-ҳаракатларига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Кенгаш аъзолари номидан мурожаат қилишни таклиф этаман.

М.Акбаровнинг шикоятларини текшириш учун қанчадан-қанча ишчи гуруҳлари тузилди, қанча-қанча мутахассислар ўз ишларини ташлаб, ойлаб, ҳатто йиллаб шу ҳолатларга аниқлик киритиш учун сарсон бўлишди. Шулардан баъзиларини келтирамиз.

М.Акбаров томонидан 2017 йил июль ойида йўлланган ариза бўйича 2017 йил 2 август куни Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори А.Азимов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бўлими етакчи маслаҳатчиси О.Умарходжаев ва Юнусобод тумани «Буюк Турон» маҳалласи ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлими етакчи маслаҳатчиси Х.Турдановлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ушбу йиғилишда М.Акбаров аризада қайд этилган камчиликлар бўйича ҳеч қандай эътирози йўқлигини айтган ва ёзма равишда тасдиқлаган.

Унинг 2017 йил 15 сентябрда Юнусобод туман прокуратурасига йўллаган аризаси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 18 сентябрдаги 676-сонли буйруғи билан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, 2017 йилнинг 21-22 сентябрь кунлари институтда текширув ўтказилган. Мазкур ишчи гуруҳи томонидан М.Акбаров иштирокида аризадаги ҳолатлар тўлиқ ўрганиб чиқилган ва тасдиқланмаган. У ишчи гуруҳи далолатномасига «Ишчи гуруҳи хулосаси билан танишдим. Эътирозларим йўқ», деб имзо чеккан.

2017 йил 25 сентябрда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига йўлланган ариза бўйича 9 октябрда яна махсус ишчи гуруҳи тузилиб, институтда текширув ўтказилган ва М.Акбаровнинг аризасидаги ҳолатлар асоссиз эканлиги аниқланган.

2018 йил 30 ноябрда Бош прокуратурага йўлланган ариза Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган ва М.Акбаровнинг даъволари исботланмагани аниқланган ва ҳоказо...

М.Акбаров томонидан турли идораларга йўлланган деярли барча ариза ва шикоятларда институтда 2014-2016 йилларда бажарилган грант лойиҳаси ва унда амалга оширилган ишлар бўйича бир неча маротаба ишчи гуруҳлари тузилиб, ўрганилган. Уларнинг барчасида шикоятчининг ўзи ҳам шахсан иштирок этган ва ишчи гуруҳи хулосасида «ишчи гуруҳи хулосаси билан танишдим, эътирозим йўқ» деб имзо ҳам қўйган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан М.Акбаровнинг мурожаатини ўрганиш жараёнида институт ректори У.Азизовга нисбатан келтирилган маълумотлар ёлғон ва бўҳтонлардан иборатлиги аниқланган ва ўз тасдиғини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасига 2018 йил 8 октябрда йўлланган мурожаатда келтирилган ҳолатлар ҳам тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўрганиб чиқилган ва асоссиз деб топилган.

Табиий савол туғилади: М.Акбаров туҳмат учун жавоб бериш кераклигини билмайдими? Бошқа нарсани билмаса ҳам, буни билиши керак, ҳар ҳолда юрист, деган дипломи бор-ку. Институт жамоаси, раҳбарияти устидан бўҳтонлардан иборат аризалар ёзиб, юзлаб одамларни ишдан чалғитаётган, асабини емираётган М.Акбаров хатти-ҳаракатларига юридик баҳо бериш вақти келмадимикан?

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Уруш ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун жуда яқин масофада эди. Унинг даҳшати, зулмати, гўёки бутун оламни қоплаб олганди. Кимдир урушга отланса, бошқа бировдан «қора хат» келарди. Уруш йилларининг жабрдийда одамлари учун қувонч, шодлик туйғулари аллақачон унутилган, ғам, қайғу, жудолик, йўқотиш ва очлик ҳаёт тарзига айланиб бўлганди. Қўлида қурол тутишга қурби етган эркак зоти борки, жанг майдонларида жон олиб, жон берар, кексалар ва аёллар, болалар барча оғир ишларга жалб этилган эди.

«МЕН ЎЛИБ-ТИРИЛГАНМАН»

Оқдарёлик Эшмурод Жўраев 1944 йил Украинанинг Днепропетровск вилояти, Апостоловск тумани ҳудудида жанг қилаётган эди... Февраль ойи, қалин қор, ҳаво совуқ.

У хизмат қилаётган полк фашистларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келади.

Полк командири душман снайперини йўқ қилиш учун Эшмурод Жўраев, Пётр Сидоров, Иван Михайловга топшириқ беради. Эшмуроднинг иккала қуролдоши душман ўқидан ҳалок бўлади. Ёлғиз ўзи душман снайпери турган нуқтани топиб, рация орқали хабар беради. Шундан сўнг яқин масофада портлаган снаряд ўқидан ўзи ҳам яраланади, ҳушини йўқотади...

Эшмуроднинг уйига «қора хат» келади. Яқинлари унга аза очишади. Унинг номи қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар рўйхатига киритилади. Аммо кейин маълум бўлишича, у госпиталга олиб кетилган бўлади.

Эшмурод Жўраев госпиталда узоқ даволанади. Кўкси тўла орден-медаллар билан она юрти Оқдарёга қайтиб келади. Оқдарё тумани миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор қозонади. Оила қуриб, фарзандлар кўради. Уларни халқ хизматига сафарбар қилади. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшаб ўзидан яхши ном қолдиради. Қаҳрамон жангчи бир гапни кўп такрорлар эди: «Мен ўлиб-тирилганман»!..

Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни Эшмурод Жўраевнинг авлодлари «ота уй»да йиғилиб, азиз инсонларини ёд этишади. Оталари, боболари билан ҳақли равишда фахрланишади.

Ўз мухбиримиз.

Эълон

Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!

«BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Бухоронефтгазавтонақл» АЖ балансидаги Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ғазли шаҳри, Марказий шоҳ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 3,0 гектар, қурилиш ости майдони 6210,0 кв метрдан иборат 2-автокорхона бино иншоотлари мулкий мажмуаси 5 йиллик имтиёзли тулов муддати билан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 725 018 641 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 14 июнь куни соат 11:00да Бухоро вилояти, Когон шаҳар, Амиробод кўрғони, 4-уйдаги «Бухоронефтгазавтонақл» АЖнинг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги бино-иншоотлар 2019 йил 14 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 21, 28 июнь ҳамда 05, 12 июль кунлари соат 11:00да, «Бухоронефтгазавтонақл» АЖнинг мажлислар залида бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖнинг ЧЭКИ Савдогарбанк Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000900483347001, МФО: 00112, ИНН: 303086230.

Қўшимча маълумотлар учун «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (90) 514-00-01. Лицензия RR-0248.

Хизматлар лицензияланган.

Нега сел келиши хавфи катта бўлган ҳудудлар харитаси тузилмаган?
Тузилган бўлса ҳам, нега биз ана шу хавфли жойларда яшайдиган аҳоли билан иш олиб бормаймиз?

СЕЛ НИМА? УНДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ!

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда сел тошқинлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаш, тадқиқ этиш 1880 йиллардан бошланган. 1927 йил Ўзбекистонда Фарғона тоғолди мелиорация экспедицияси тузилган. Мазкур ташкилот мутасаддилари тошқинларнинг тарқалиш ва келиш вақти бўйича изланишлар олиб боришган. Кейинчалик бу ишларни Ўзбекистон гидрометеорология хизмати давом эттирган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида мазкур йўналишда илмий иш олиб бориш ёки башорат қилиш учун мана шу манбаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, 1880 йилдан то ҳозирги вақтга қадар 3000 дан ортиқ сел тошқини юз берган экан. Лекин уларнинг рўйхатини ҳеч ким тартибли ёзиб бормаган. Чунки табиий офат юқори тоғли туманлардаги аҳоли ва маълум бир ҳудудга зарар етказмагани учун рўйхатга киритилмаган. Ана шу камчиликлар билан 3000 тошқинни умумий сел босишининг ўртача ҳисоби, деб олсак бўлади. Бироқ мазкур маълумотлар билан ҳам тахминий башоратларни қилиш мумкин. Мисол учун, ушбу қайдларга таяниб, сел тошқинларининг энг кўп юзага келиши сабаблари аниқланган. Бизда селларни ўрганиш асосан қуйи тоғолди ҳудудларида олиб борилган. Сабаби, ушбу ҳудудлар аҳоли яшайдиган масканларга яқин ва энг кўп сел келадиган жойлардир. Хусусан, Фарғона водийси ва шунга ўхшаган бошқа манзиллар шулар жумласига киради.

Сув тошқини таркибининг 15 фоизидан ортиғи лойқали бўлса, у фанда сел дейилади. Ёмғирнинг жадаллиги юқори бўлган табиий шароитда сел тошқинларининг кузатилиши фанда тасдиқланган. Бизда 3-4 кун давомида майдалаб ёғадиган ёмғир сел тошқинларини келтирмайди. Ва аксинча, ёмғирнинг 10-15 дақиқалик жадаллиги қаттиқ сел тошқинини юзага келтиради. Манбаларда қайд этилган 3000 та сел тошқинининг 84 фоизи ана шундай жала ёмғирларидан шаклланган. Қолганлари ёмғир билан қор аралашиши, тўғонларнинг уриб кетиши натижасида ҳосил бўлган.

Бугунги кунда сел тошқинлари олдини олишнинг 4 хил усули мавжуд. Биринчиси, тоғ олди, адирлар ёнбағирларида агротехник усулларни қўллаш орқали. Бунда мазкур ҳудудларга дарахтлар экилади. Мисол учун, Чирчиқбўйининг ёнбағирларида горизонтал йўналишларда дарахтлар экилган. Ана шу ўрмонзорлар ҳисобига сўнгги йилларда Чирчиқ атрофидаги сойларда сел тошқинлари нисбатан камайган. Бундан хулоса шуки, сел тошқинларига қарши курашувчи ташкилотларнинг республикамизда сел тошқини юз бериши мумкин бўлган тоғ ёнбағирларида агротехник усулни қўллаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчиси, тоғолди сув йўналишларини бошқариш. Бунинг учун сув четлатувчи, сув қочирувчи новлардан фойдаланилади. Бунда тоғдан келадиган сув тошқинлари мазкур новлар орқали аҳоли яшамайдиган ёки бошқа хавфсиз ҳудудларга чиқариб юборилади.

Учинчиси, сойнинг ўзанида муҳандислик иншоотлари тўсиқларини қуриш. 1950-1960 йилларда сел омборлари қурила бошланганди. Фарғона водийси, Андижон, Косонсой, Қувасойда 30 дан ортиқ сел омборлари қурилгани маълум. Бу ерда сел тошқинларининг ҳажмлари ушлаб қолинган ва ортиқча сув каналлар орқали пастликларга юборилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 170 дан ортиқ сел омборлари мавжуд. 1958 йил биринчи қурилган сел омбори баландлиги 14 метр бўлган бўлса, ҳозирда Илонсой дарёси ўзанида худди шундай сел омбори 30 метрлик қилиб қурилмоқда.

Тўртинчиси, дарё қирғоқларини сув ва сел тошқинларидан ҳимоялаш. Бунинг учун махсус бетонлар ўрнатиш мумкин. Темир тўрлар ичига тошлар тахлаб қўйилиши амалиётга киритилган. Ҳозир Паркент туманида қурилаётган ҳимоялаш иншоотлари бунга мисол бўлади.

Хорижда сел омборларини қуриш яхши ривожланган ва унинг турли хил усуллари бор. Бу борада Қозоғистонда тажриба катта. У ерда сел омборларини тозалаш ва кузатиш учун замонавий усуллардан фойдаланилади ва бу тажрибани ўрганиш мумкин. Уларда сел омборлари ҳар йили лойқалардан тозалаб турилади. Бу бизда амалиётга киритилмаган. **Бугунги кунда 1958-1960 йилларда қурилган сел омборларимизнинг ҳаммаси лойқа билан тўлган. Бунинг оқибатида, агар қаттиқ сел келадиган бўлса, унинг талафоти катта бўлиши эҳтимоли бор.**

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Нега сел келиши хавфи катта бўлган ҳудудлар харитаси тузилмаган? Тузилган бўлса ҳам, нега биз ана шу хавфли жойларда яшайдиган аҳоли билан иш олиб бормаймиз? Аҳоли бу хавфни билмаслиги мумкин. Лекин 50 йил келмаган сел тошқини 51-йили келиши мумкин.

Демак, сел тошқинлари асосан жадал ёққан ёмғирлар асосида шаклланар экан. Бу Ўзбекистонда апрель, май, июнь ойларига тўғри келади. Энг кўп сел кузатиладиган давр — май ойидир. Шунинг учун май ойи бошланишидан аввал сел тошқинлари вужудга келиши мумкин бўлган ҳудудларни мутахассислар назорат қилиб бориши лозим. Бундан ташқари, айб ўзимизда ҳам бор, деб ўйлайман. Чунки тоғолди қишлоқларида аҳоли сони кўпайгани сайин одамлар янги-янги ҳудудларда тартибсиз тарзда уйлар қуриб, ёмғир ва сел тошқинларидан ҳимояланишни унутиб қўйишмоқда. Сел ёки сув тошқинлари ўтадиган сойларнинг қирғоқларига кўчиб ўтмоқда. Биз нима қилишимиз керак? Аҳолини огоҳлантиришимиз, уларни хавфсиз жойларга кўчиришимиз, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак. Сел тошқини ҳар 100 йилда бир келиши мумкин. Шуни эътиборга олишимиз, ўша ҳудудлардан аҳолига уй-жой ажратилишида масъул ходимлар керакли маълумотларга эга бўлиши лозим.

Паркент туманига ҳар йили бораман. Аҳоли аста-секин юқори тоғолди ҳудудларига кўтарилиб бормоқда. Улар хоҳлаган жойига уйларини қуриб олмоқда. Сел келадими-йўқми, иши йўқ. Шунинг учун Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари халқ билан ишлаши керак. Уларнинг қўлида сойларнинг, ҳар бир туманнинг қаеридан сел бошланади, қаерга таъсир қилиши мумкин бўлган жойларнинг харитаси бор. Шу билан бирга, сел тошқинларидан ҳимояланишда доимий, мунтазам иш олиб борилиши лозим.

Сел тошқинларини башорат қилиш мумкин ва улар турли хилда бўлади. Биринчиси, бир кунлик меъёрда 30 миллиметр ёмғир ёғади десак, демак, ўша куни сел ёки ёмғир тошқинларини башорат қилишимиз мумкин. Табиатда гидрометеорологик башоратнинг 67 фоизи тўғри бўлса, у ижобий ҳисобланади. Шунақа эҳтимолий башоратлар бор экан, нега улардан самарали фойдаланмаймиз?

Сел-ёмғир тошқинларининг таъсири ва уларнинг оқибати бўйича ҳолатлар доимо раҳбарият эътиборида бўлиб келган. Лекин кўпгина масъул ташкилотлар, сел тошқинларининг ҳимоя чорасини кўриш учун юқоридан топшириқ кутиб ўтиради.

Сел омбори, кўприк қураётганда сел ҳажмини, сув сатҳини эҳтимолий ҳисоблаш тенгламалари бугунги кунда мавжуд. Қўлимизда ҳисоблаш тенгламалари бор экан, нега бу тенгламалардан фойдаланмаймиз? Шу билан бирга, 100 йилда бир келадиган эҳтимолий қийматни ҳам ҳисоблаш усуллари мавжуд.

2015 йилда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъуллари томонидан ана шу масала бўйича катта йиғин ўтказилди. Унда биз сел келиши ва унинг олдини олиш бўйича ўз фикр ва таклифларимизни билдирганмиз, лекин афсуски, уларнинг барчаси қоғозда қолиб кетди.

Ўзбекистон бўйича 1918-1924 йиллар мобайнида рўй берган сел тошқинларининг қайд этилган саналари бор. Маълум бўлишича, сел тошқинлари қуёш фаоллиги билан боғлиқ. Қуёш фаоллиги қанча камайса, сел тошқинлари шунча кўп кузатилар экан. Бу битта омил ҳисобланади. Демак, қуёш фаоллиги камайган пайтларда сел тошқинларининг кўпайиши шу йилларда ҳимояланишимиз кераклигини кўрсатади.

Қуёш фаоллиги камайишини қаердан билса бўлади? Унинг фаоллиги йилма-йил, оймаой кузатилиб борилади. Россия, АҚШ, Буюк Британия олимлари бу иш билан кўп йиллардан буён шуғулланишади. Улар 3200 йилгача қуёшнинг фаоллик даври маълумотларини интернетга жойлаштиришган. Ана шу башорат бўйича биз ҳозир қуёшнинг энг кам фаоллик йилига кириб келдик. **Демак, ҳудудимизда кейинги йилларда сел хавфи кучайиши мумкин. Нима қилиш керак? Сел билан курашадиган ташкилотлар сел хавфи бўлган сой ва дарёларнинг харитасини тузиши, халқ орасига кириши, сел кузатилиши мумкин бўлган аҳоли яшайдиган жойларда улар билан суҳбат олиб бориши, уларни хавфсиз ҳудудларга кўчириш, ҳозирдан бошлаб тоғ бағирларига дарахтлар экиш, сел омборларини барпо этиш ва сел оқадиган ўзанларда селга қарши иншоотлар қуриш ишларни жадаллик билан олиб бориши лозим.**

Изланишларимиз шуни кўрсатадики, Фарғона водийсининг адирларида сел тошқини бўлиши учун 4-6 миллиметр ёмғир қиймати етарли бўлади. Бундай маълумотлар сел тошқинларидан ҳимояланишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда сел тошқинлари ўтадиган сойларнинг харитаси, маълумотлар статистикаси мавжуд. Сел омборлари ҳар йили баҳор келишидан олдин албатта ўрганиб чиқилиши, селга қарши чоралар кўрилиши, барча ҳолатларда олим ва мутахассислар томонидан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сел омборларидан биринчи навбатда аҳолини, чорва молларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун фойдаланилади, кейинчалик йиғилган тоза сув турли мақсадларда ишлатилади.

Иншоотлар фойдаланиш мақсадига кўра, турли йилларга, мисол учун, энг камида 100 йилга мўлжаллаб қурилади. Шуни инобатга оладиган бўлсак, бундан 50-60 йил муқаддам селга қарши қурилган иншоотларимиз ҳозирги талабларга умуман жавоб бермайди ва бу жуда катта хавф-хатар олдида турганимизни билдиради. Шунинг учун бу ишга бепарво бўлмасдан, лоқайдликни йиғиштириб қўйиб, олим ва мутахассислар ёрдамига таянган ҳолда сел келиш эҳтимоли юқори бўлган барча ҳудудларда бу табиий офатнинг олдини олиш мақсадида эски сел иншоотларини қайтадан таъмирлаш ва янгиларини қуриш лозим бўлади.

Абдуқаҳҳор ТЎЛАГАНОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.

БОКСЧИЛАРИМИЗ РОССИЯ ВА ҚОЗОҒИСТОНДА ҒОЛИБ БЎЛДИ



Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича «Губернатор кубоги» соврини учун ўтган мусобақада терма жамоамиз вакиллари учта олтин медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Абдумалик Халаков (56 кг) финалда россиялик Алексей Москвинни 4:1 ҳисобида енгган бўлса, 69 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Иқболжон Холдоров бразилиялик Фернандо Луисга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

81 килограммгача вазнда иштирок этган ёш боксчимиз Козимбек Мардонов мезбонлар вакили Андрей Косенковни 3:2 ҳисобида енгиб, олтин медаль соҳибига айланди.

* * *

Хабаровск шаҳрида ўтган халқаро турнирда Аброржон Қодиров ва Билолбек Мирзараҳимов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Ўта оғир вазн тоифасида иштирок этган Лазиз Муллажонов финалга қадар муваффақиятли иштирок этиб, якунда кумуш медални қўлга киритди. Ушбу вазнда яна бир ҳамюртимиз Улуғбек Мубинов эса шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

* * *

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўсмир ва ёш қизлар ўртасида бокс бўйича 2000 йилги Олимпия ўйинлари чемпиони Ермахан Ибраимов соврини учун халқаро турнир ўтказилди.

Мусобақада Россия, Тожикистон Ўзбекистон, Қозоғистон боксчилари ўзаро рақобатлашди.

Унда мамлакатимиз шарафини Улуғбек Баратов мураббийлигида Сабина Бобоқулова, Нигина Ўктамова, Насиба Хайруллаева, Шоира Ширинова, Сабрина Негматуллаева ва Ленара Абдумуродова ҳимоя қилди.

Рақибларини мағлубиятга учратган Сабина Бобоқулова (48 кг), Нигина Ўктамова (52 кг) ва Насиба Хайруллаева (57 кг) шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган Шоира Ширинова ҳамда Ленара Абдумуродова эса терма жамоамиз ҳисобига бронза медални келтирди.

Шунингдек, турнир ташкилотчилари ҳамюртимиз Сабина Бобоқуловани энг яхши иштирокчи, деб топди ва кубок ҳамда пул мукофоти билан тақдирлади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

«ЭРОНУ ТУРОН НАЗМУЛ-ЖАВОҲИРИ»

ЯНГИ КИТОБ

«Жаҳон адабиёти дурдоналари» рукни билан форс-тожик тилидан Олимжон Бўриев таржимасида нашр этилган ана шу номдаги китобда (Тошкент. «Ўзбекистон», 2018 йил, 208 бет.) улуғ алломалар — Абу Абдулло Рўдакий, Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хайём, Шайх Камол, Бадри Чочийдан то ҳозирги Тожикистон халқ шоири Мўмин Қаноатгача, жами 95 шоир ижоди намуналари жамланган.

Китоб муқаддимасида академик Азиз Қаюмовнинг улуғ мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Лайли ва Мажнун» асарлари таржимасига ёзган сўзбошиси берилган.

Тарихий манбаларга кўра, Мовароуннаҳрда эл тинч, юрт обод, халқлар тотувлиги таъминланган даврда ижтимоий юксалиш кузатилган, илм-фан, адабиёт равнақ топган. Шу асосда «Олтин давр» ёки «Ислом ренессанси» (1Х-Х аср) майдонга келган. Ғазнавийлар, темурийлар, ундан кейинги бобурийлар даврида ҳам ўзига хос ренессанс кузатилган.

Алишер Навоий ўз тазкираси — «Мажолис ун-нафоис»да барча форсийнавис адиблар асарини айнан (таржима қилмасдан) келтирган. Ҳолбуки, Навоий учун уларни ўзбек тилига ўгириш қийин эмас эди. Эндиликда форс-тожик тилидан ўгирилган нарсани (ҳаттоки таржимон номини ҳам тилга олмасдан), масалан, Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини ўзбек тилида тақдим этиш расм бўлиб кетгани кишини ҳайратга солади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилда Душанбега ташрифи чоғида Борбад қасридан олам аҳлига қарата: «Тожикистон истиқболи бу — Ўзбекистон тақдири! Ўзбекистон истиқболи бу — Тожикистон тақдири!» деб икки халқ ўтмишда бири-бирига суянчиқ бўлиб, муштарак маданият яратганлиги, дунёда бўлак икки тилда сўзлашадиган бир халқни топиш қийин эканига урғу берган эди. Бу икки халқ бир илдиздан чиққанлиги ҳақида минг йил аввал Фирдавсий ўз «Шоҳномаси»да кўрсатган. Маро хешист бо ў, ба хун, деган эди.

«Шоҳнома»дан сабоқ олган, ўзбеку тожик битта элат эканига инонган «Фоний» (Ҳазрат Навоий) тожику ўзбек ўртасидаги яқинликни бир-бирини ҳимояловчи кўз билан киприкка ўхшатган.

Нигори турку тожикам,
кунад сад хона вайрона,
Ба он чашмони тожиконаю
мижгони туркона...

Бу байт фалсафаси шундаки, Оллоҳ киприкни кўз қорачиғини асраш учун яратган. Шундан келиб чиққан шоир мажозий образ орқали ўзбек-тожикни назарда тутган.

Ота-боболаримиз мактабу мадрасаларда билимни аввал Қуръондан бошлаб, вақти келганда «Ҳафтияк», «жангномахонлик» ва «бедилхонлик» қилишган. Қийин даврларда улар биргалашиб зулматдан зиё излашган.

Бухорода Амир Абдулаҳадхон даврида ташкил топган «Шуубия» (халқона) адабий ҳаракат аъзоларидан Айний, Фитрат, Садри Зиёдек алломалар Аҳмад Дониш ёққан маърифатпарварлик чироғи билан «Ёш бухоролик» гуруҳ аъзолари йўлини ёритиб, «жадидлар»ни майдонга чорлаган. Натижада Беҳбудий, Фитрат, Авлонийдек алломалар бирлашиб, Ўрта Осиё халқини зулматдан зиёга чиқаришган.

Беадад шукрки, мустақилликнинг биринчи одимлари ман этилган китобларни қайта нашр этиш, қўлдан кетган қадриятларимизни тиклашдан бошланиб, бу йўлда кўп ишлар бажарилди. Аммо мумтоз адабиётдан 70 йил фойдаланмаганлигимиз саводхонликка ёмон таъсир қилгани боис, қадимий адабиётда, Навоий асарларида ишлатилган юзлаб сўзлар биз учун «нотаниш» бўлиб қолди. Архаистик матнларни ўқиб, янги имлога ўтказишимиз қийинлашди.

Олимжон Бўриев она тили – ўзбекчани, тожик тилини ҳам мукаммал билади. Шунинг учун таржималарида ўша давр нафаси, мумтоз шеъриятдаги нафислик, шеър мазмуни бутунлигича сақланган.

Мисол учун, Рўдакийнинг тарихий «Бўйи Жўйи Мўлиён» ғазалини олиб қарасак, у ўзига хос оҳангдор, қанчалик содда ва равон туюлмасин, чуқур фалсафага эга. Соддагина туюлгани баробарида мураккаб маънони ичига олган ғазални бошқа тилга ўгириш таржимонга осон кечмаслиги тайин. Бу ғазал Олимжон Бўриев таржимасида гўёки осонгина ўгирилгандай туюлади.

Бўйи жўйи Мўлиён келгай ҳаме,
Ёди ёри меҳрибон келгай ҳаме.
Реги Омуси дағалликларида,
Зери по чун парниён келгай ҳаме.
Оби Жайҳун қанча улкан бўлмасин,
Отимизга то миён келгай ҳаме.
Эй Бухоро шод бўлгин, кўп яша,
Мир сендан шодмон келгай ҳаме.
Мир моҳдиру Бухоро осмон,
Моҳ сўйи осмон келгай ҳаме...
(7-бет)

Бу таржимада вазн бузилмаган, байтлар мазмуни Рўдакий ёзган қолипда. Таржимада форсий шаклида қолдирилган барча сўзлар аллақачон ўзбек шеъриятида ўз жойини эгаллаган, деб билсак, бу таржима мумтоз ўзбек шеърияти меъёрида эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Маъруф ОТАХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Мадиева Ранохон номига 1993 йил 12 апрелда берилган 09-02/8593 рақамли уй ордери йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Жиззах вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Мурод Ҳайитовга онаси
Мелибуви ҲАЙИТОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Кексага кўмак бер, суянган тоғинг, уни тушунасан қариган чоғинг».

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сони йиллар ўтгани сайин тобора сийраклашиб бораяпти. Ана шундай инсонларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш мақсадида уларга катта эътибор қаратилмоқда.

101 ёшли лейтенант бобо

Қизилтепа туманидаги Тошработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан Иккинчи жаҳон урушига 200 нафардан ортиқ йигит сафарбар қилинган эди. Уларнинг кўпидан қора хат келди, кўплари бедарак кетди. Урушдан соғ-омон қайтган уч-тўрт нафар аскар сафида лейтенант погонини таққан Шукур Ҳамидов ҳам бор эди.

Тинч меҳнат йилларида Шукур ҳамма қатори уйланди. Фарзандлари камолини кўрди, тўйларини қилди. Увалижували бўлди. Тўрт қизи, уч ўғлидан 90 га яқин невара, эвара, чеваралари бор. Икки йил олдин унга Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан имтиёзли тарзда енгил машина ажратилган эди. Бу йилги мукофот пулини шахсан ўзи олиб келган вилоят ҳокими мулозимлари билан уни табриклаб, совғалар топширди. Зум ўтмай дастурхонлар безатилиб, хонадон тўйхонага айланиб кетди. Бир томондан санъаткорлар даврага файз киритди.

Тадбир тугаб, давра сийраклашгач, биз Шукур бободан чарчаган-чарчамаганини сўраб, биргина саволни бердик, яъни нега уни «лейтенант бобо» дейишлари билан қизиқдик.

— 1938 йилда, 19 ёшимда мени ҳарбий хизматга чақиришган, — дейди Шукур бобо. — Хизматнинг иккинчи йилида Финляндия, Франция, Шарқий Пруссияни фашист босқинчиларидан тозалашда қатнашдим. Ҳарбий хизмат тугамасдан туриб уруш бошланди. Уйга қайтишга ҳам улгурмадим. Бизни уруш кўрган жангчилар сафида тўғридан-тўғри фронтнинг олдинги сафига ташлашди. Ленинград, Волгоград шаҳарларини мудофаа қилишда қатнашдим. 1942 йилда Киев, Минск, Ростов шаҳарларида бўлган жангларда қўлимдан қаттиқ ярадор бўлдим. Госпиталда икки ой даволандим. Соғайиб чиққанимдан кейин мени кичик ҳарбий командирлар тайёрлайдиган курсга юборишди. Тўрт ой ўқиб, аввал кичик лейтенант, кейин катта лейтенант унвонини олдим. Аввал взводга, кейин ротага командирлик қилдим. Ғалабани Кённисберг шаҳрида кутиб олдик. Кейин кўплар қатори менга ҳам уйга жавоб беришди.

Энг қизиғи, қишлоққа қатор-қатор орден-медаллар таққан ҳолда, лейтенант погони билан кириб борганимда бошланди. Мен ҳарбий хизматга кетганимда эндигина туғилган 7-8 ёшли болалар атрофимни ўраб олган, ҳаммалари «урушдан лейтенант бобо келаяпти», деб овоза қилишарди. Ўша вақтда уларга бобо бўлиб кўринган бўлсам керак-да! Маҳалладагилар уйларидан оёқ яланг югуриб чиққан, таниган-танимагани мени қучоқлаб йиғларди, мен ҳам уларга қўшилиб йиғлардим.

Энг фожиали томони, 1942 йилда оғир ярадор бўлганимда, уйга қорахат борган экан. Уйга ўз оёғим билан соғ-саломат кириб келганимни кўриб, ота-онам, кўни-қўшнилар ўша ернинг ўзида тўй бошлаб юборишди. Қаҳатчилик бўлишига қарамасдан, биров бир коса ун, биров ёғ, биров бир парча гўшт кўтариб келди, ҳамма хурсанд бўлди. Ўша-ўша мен «лейтенант бобо»га айландим, — деди Шукур бобо. — Ҳатто ҳозир баъзилар исмимни ҳам билишмайди, «лейтенант бобо» дейишса, Тошработа, Окработа ҳамма танийди. Ҳозир 101 ёшга кирдим. Илоё, уруш бўлмасин, ер юзида тинчлик бўлсин. Бизларни эъзозлаган Президентимиз халқ хизматини қилиб, умридан барака топсин, — дея бобо қўлини дуога очди.

Шу лаҳзада мутафаккир шоир Носир Хусрав Деҳлавийнинг қуйидаги фарди ёдимга тушди:

Кексага кўмак бер, суянган тоғинг,
Уни тушунасан қариган чоғинг.

Эргаш АТОЕВ,
журналист, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Жасорат унутилмайди, давом этади

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

Ботирларимиз қадимда жангга отланганида бир ҳовуч Ватан тупроғини ўзлари билан олиб кетишган. Бу тупроқ уларга туғилиб ўсган заминни, бу тупроқ халқи олдида қилган қасамёдини ёдга солиб турган. Мана шу бир ҳовучгина тупроқ тафти Ватанга бўлган муҳаббатини қалбида алангалатиб турган, куч берган. Мана шу бир ҳовуч тупроқ халқига, юртига содиқ ўғлон бўлишга даъват қилган. Бугун ботирларимиз Ватан тупроғини тумор қилиб ёнида олиб юришмайди. Аммо юрагида сақлайди. Садоқат уларнинг томирларида қон бўлиб оқади.

Ҳар сафар қасамёдига содиқ бўлиб, жонини фидо қилганлар ҳақида ўйлаганимда, шу гаплар беихтиёр ёдимга тушаверади. Омилжон Муҳамедов айни кучга тўлган, орзулари осмон бўлган 26 ёшда эди.

Омилжон Тошкент туманидаги 16-мактабда ўқиди. Айтишларича, босиқ, вазмин ўспирин онасини, ака-сингилларини жуда яхши кўрган. Салима ая ўғли ўқиётганда мактабдан фақат илиқ сўзлар эшитган. Дарвоқе, Муҳамедовлар оиласида 6 ўғил, 4 қиз вояга етган. Омилжон ўғил фарзандларнинг кенжаси бўлган. У мактабни тугатгач, ҳаёт йўлини ички ишлар идоралари билан боғлади. Омилжон тиришқоқлиги, касбига фидойилиги билан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ППХБ 2-батальон 1-отрядида ҳурматга сазовор бўлди. Шу орада Нозима деган қизга уйланди. Фарзанд кўришгач, яхши ниятда Оқилжон, деб исм қўйишди. Оқилжон отасидан айрилганида эндигина икки ёшда эди.

ОМИЛЖОН МУҲАМЕДОВ

У жуда бақувват эди. Шундай бўлса-да, пичоқ уриб ўлдиришган... Бир ўзи саккизтаси билан олишган. 1999 йил 6 августда шу воқеа бўлган...

Ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган Омилжон Муҳамедовнинг турмуш ўртоғи билан суҳбатлашиш учун кетаяпману мени бир савол қийнарди: ўн тўққиз йиллик ярани тирнаш, ўша мудҳиш айрилиқ кунларни эслатиш қандай бўларкин?

Нозимага келишимдан мақсадмуддаони тушунтирдим. У сукут сақлаб, бошини қимирлатиб, эшитиб турди. Бироздан сўнг оғир бўлса-да, саволни бердим.

— Ўша куни нима бўлган ўзи?..

Орадаги жимликдан сўнг у оҳиста сўзлади:

— Уч кун олдин ишдан уйга хурсанд бўлиб келдилар. Янги хизмат машинаси — «Нексия» беришган экан. Ойижоним ва мени «Нексия»га ўтқазиб, айлантириб келдилар... Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша куни картошка палов қилгандим. Кўнглим ниманидир сезган экан. Ишга кетаётганларида, ўзбек аёллари ўзгалар олдида бундай қилмайди, ойижонимнинг олдиларида Омилжон акамни қучоқладим, ҳеч кетказгим келмади. Кулиб айтган гаплари шу бўлди: эртага келаман-ку...

Нозиманинг кўзи ёшга тўлди.

— Ўша куни негадир ой менга жуда катта кўринди. Одатдагидай эрталаб ҳовлидаги юмушларни қилдим. Овсинимникига ўтсам, ўғилларидан бири шумхабарни айтиб қолди. Менга билдирмай кечаси акалари фожиа жойига кетишган экан...

Омилжон акам хизмат машинасида кетаётганида шубҳали одамларни кўриб, машинани тўхтатган. Шериги тушиб, ўзини таништираётганида жиноятчилар уни отиб ташлашган. Орқадаги «Дамас»да заргарнинг уйини уриб келаётган саккиз нафар босқинчи Омилжон акамга ташланган. У киши жуда бақувват эдилар. Шундай бўлса-да, пичоқ уриб ўлдиришган... Бир ўзлари саккизтаси билан олишган. 1999 йил 6 августда шу воқеа бўлган...

Сержант Омилжон Муҳамедов ашаддий жиноятчилар билан бўлган олишувда мардларча ҳалок бўлди. Қасамёдига содиқ қолди. Эл-юрт тинчлиги йўлида ўз жонидан кечди. Бу ўғлоннинг жасорати унутилмайди. Унинг касбига садоқати ёш авлод учун ибрат мактабидир. Омилжон ҳаётдан жуда эрта кетди. У кўп нарсаларни режалаштириб қўйганди. Афсус...

Сержантнинг рафиқасига бир нарса таскин беради. Омилжон хизмат вазифасини шараф билан бажариб, азиз жонини фидо қилди. Яна бир таскин берадиган томони, икки ёшли яккаю-ягона зурриёди вояга етиб, бугун отасининг изидан боряпти. Оқилжон ўтган йил Ички ишлар вазирлиги академиясини тугатди. Демак, жасорат давом этади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

Меҳнат таътили

беришда кимлар имтиёзларга эга бўлади?

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

— ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

— жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари

боғча тўловидан озод қилинади

Боғчада болалар умумий сонининг **15 фоизи доирасида** кам таъминланган оилалар фарзандлари **тўловдан** озод қилинади.

Бунда биринчи навбатда ота-оналаридан бири ёки иккаласи I ёхуд II гуруҳ ногирони бўлган кам таъминланган оила фарзандларига, шунингдек, ўртача ойлик жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила фарзандларига **имтиёз берилади.**

Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати маҳалла томонидан берилган оиланинг мулкий аҳволи тўғрисидаги маълумотномага ва тегишли боғча ота-оналар қўмитасининг хулосасига асосан аниқланади ва шакллантирилади.

Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати ҳар ўқув йилининг **25 сентябрь кунига қадар** тасдиқланади.

Рўйхатга кирмай қолган, шунингдек, йил давомида аниқланган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳисобидан захира шакллантирилади.

Тўловдан озод қилинган болаларнинг боғчага қатнаши тўхтатилиши натижасида бўшаб қолган ўринлар мазкур захирадан тўлдириб борилади.

Тезликни ўлчаш мосламалари

хизматга алоқаси бўлмаган транспорт воситаларига ўрнатилиши тақиқланади

Йўл-патруль хизмати ходимларининг патруль автомобилларида фойдаланиш **белгилаб қўйилган тезликни ўлчаш мосламаларини** хизматга алоқаси бўлмаган бошқа шахсларнинг транспорт воситаларига ўрнатилиши қатъиян тақиқланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Касбига доғ туширди

Халқимиз устоз-мураббийларни, тарбиячиларни қадим-қадимдан эъзозлаб, уларга ҳурмат-иззат кўрсатиб келади. Афсуски, ўзининг юксак мақомдаги касбига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради.

Мунисхон Ризаева пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 219-мактабгача таълим муассасасининг мудираси лавозимида ишларди, обрўси, ойлик маоши етарли эди. Аммо у бунга қаноат қилмади. Кўпроқ пул топиш дарди унга тинчлик бермади. Мунисхон Ризаева мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2017 йил муассасага М.Усмонбоевни бино ишчиси, К. Ҳосилбековани жисмоний тарбия йўриқчиси, Л.Рихсиевани мусиқа раҳбари, Р. Ҳакимовани рус ва ўзбек тили ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилганлиги ҳақида буйруқ чиқариб, имзо қўйди. Аслида ушбу шахслар мазкур муассасада меҳнат фаолиятини юритмаган. Яъни, ишламаган. Мудира тўлов қоғозларига сохта маълумот киритиб, жами 6.130.642 сўм пул маблағини ўзлаштирган.

Ўтказилган текширувда қинғир иш фош этилди. Сохта ҳужжат тузган мудирага нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Суд жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига иқрорлиги, муассасага етказилган зарарни қоплагани ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди.

Мактабгача таълим муассасаларида бундай қонунбузарликлар бўлиб тургани кишини ташвишга солади.

Отабек СОДИҚОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК департаменти Мирзо Улуғбек туман бўлими катта инспектори.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Website: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 551. 3963 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 02:00.
Topshirilgan vaqti — 02:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

12 456